

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СИЁСИЙ МЕНЕЖМЕНТ ВА ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА  
КАФЕДРАСИ**

**Сайдалиева Гулнисо Умидулаевна**

**ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН  
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГЕОСИЁСИЙ  
ОМИЛЛАРИ**

**(“Жамият” газетаси материаллари асосида)**

**5320400 – Халқаро журналистика бўйича таълим  
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”**  
“Сиёсий менежмент ва халқаро  
журналистика” кафедраси мудири  
\_\_\_\_\_ с.ф.д., проф. Н.Жўраев  
2012 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**  
\_\_\_\_\_ с.ф.д., проф.  
Н.Жўраев  
2012 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

Тошкент – 2012

## М У Н Д А Р И Ж А

|            |   |
|------------|---|
| Кириш..... | 3 |
|------------|---|

### **I боб. Ўзбек-тожик муносабатлари ва замонавий геосиёсат.**

|                                                                                       |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1.1. Ўзбек-тожик муносабатларида анъанавийлик ва замонавийлик.....                    | 7  |
| 1.2. Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига таъсир этувчи<br>замонавий геосиёсат. .... | 16 |

### **II боб. “Жамият” газетасида Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари: таҳлилларда экологик мавзунинг устиворлиги.**

|                                                                                                             |    |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 2.1. Ўзбек-тожик муносабатларида экологик муаммо муҳим геосиёсий омил<br>сифатида.....                      | 31 |
| 2.2. Давлатлараро муносабатларнинг журналистик таҳлили: экологик<br>йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари..... | 45 |
| Хулоса.....                                                                                                 | 55 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....                                                                       | 58 |

## Кириш

**Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги.** Янги даврга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллик шароитида миллат, миллатлараро муносабатлар, миллий маданият, яқин қардош халқларнинг маданий мероси, этник муносабатлари, жуғрофий ва иқтисодий бирлиги ҳақидаги кенгрок тасаввурлар пайдо бўлади. Сабаби, янги тарихий шароитларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиёдаги икки мамлакат Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг келиб чиқиши, уларнинг тарихи, ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачароқ қарашни давр тақозо эта бошлади. Этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, тарихан бир муҳитда яшаб, ўтмиш маданияти бир заминда вужудга келган, бироқ, айна пайтда мустақил давлат бўлиб яшаётган икки давлат ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш мамлакатлар учун аҳамиятли.

Бироқ, Марказий Осиёда миллий хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган омиллар кўпаймоқда. Тарихий ва сиёсий сабабларга кўра муаммолар геосиёсий жиҳатдан анча долзарбдир. Глобал моҳият касб этган бир қатор ҳолатлар, жумладан, термо-ядро хавфи, атмосферанинг иссиқлашиши, хавфли юқумли касалликлар, халқаро терроризм, диний фундаментализм ва экстремизм, наркотик моддалар савдоси бўлса, булар орасида давлатлар, минтақалар ва бутун дунё ҳаётига таҳдид солаётган салбий ҳолатлардан бири бўлган экологик муаммо аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ушбу масалага нафақат ички - мамлакат доирасида, балки ташқи — минтақавий ва умумсайёравий миқёсда ҳал этиш чораларини кўриш зарурлигини асосий масала сифатида кўтарди. “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш - ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан

баробардир. Афсуски ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва маъсулиятсизлик қилмоқдалар”,<sup>1</sup> - деган эди Перзидент Ислон Каримов.

Экологик ҳавфга сабаб бўлаётган “Тожикистон алюминий компанияси” ва Роғун ГЭСи бугунги куннинг ана шундай долзарб муаммосига айланди. Унинг фалокатли оқибатлари эса жаҳон ҳамжамиятини ҳам ташвишга солмоқда.

Ўзбек ва тожик муносабатларининг замонавий тарихи унинг ўзига хос шиддатли ва динамик равишта ривожланаётганини исботламоқда. Азалдан тарихий, маданий, иқтисодий муносабатларда қардошлик ришталарини давом эттириб келган икки давлат орасидаги муносабатларга ана шундай геосиёсий омиллар ўзига хос шаклда таъсир этмоқда. Бу эса ҳар қачонгидан кўра теранроқ нигоҳ билан қарашни талаб этади. Айни пайтда минтақаларда фаровонликни, экологик ҳолатни ва аҳоли саломатлигини таъминлашнинг устувор йўллари кўшни давлатлар биргаликда ишлаб чиқиши ҳар жиҳатдан мақбул иш ҳисобланади.

**Ишнинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақилликдан кейинги даврда давлатлараро муносабатлар мавзуи доирасида қатор тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Тожикистон муносабатлари атрофидаги тадқиқотларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, бевосита ўзбек-тожик муносабатлари Марказий Осиё минтақаси контекстида, иккинчиси ШХТ, МДХ, КХТ каби халқаро ташкилотлар билан боғлиқ тадқиқотлардир.

Мавзуга доир тадқиқотчилардан С. Жўраев, Н. Жўраев, А.Тошов, Қ.Каримбеков ўрганган. Хусусан, “Жамият” газетасида Т. Қамаров, Р. Абдуллаев, Ж. Кенгбоев, С.Сангинов, Э. Омонов, А. Артиковларлар тахлилий мақолалари билан иштироқ этган.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий ишининг асосий мақсади Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасидаги геосиёсий омилларни таҳлил қилиш. “Жамият” ижтимоий сиёсий нашрида чоп этиладиган

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”. 1998. 505-бет.

материаллар мисолида муайян хулосалар чиқариш ва таклифлар киритиш. Ишни қуйидаги вазифалар асосида олиб боришга уриндик.

**Биринчидан,** Ўзбекистон - Тожикистон мамлакатларининг ўзаро алоқаларида истиқболли ҳамкорлик жараёнлари хусусида маълумотга эга бўлиш ва буни кенг жамоатчиликка етказиш.

**Иккинчидан,** Кўп асрлик ўзбек-тожик муносабатларида шаклланган кадриятлар, маданий адабий алоқалар ва дўстлик тамойилларига асосланган сиёсий ислохотларнинг журналистик таҳлилини кўриб чиқиш.

**Учинчидан,** Ўзбекистон ва Тожикистон минтақаларида юз бераётган турли экологик жараёнлар тадқиқи ва табиий иқлим муаммоларини ўзида акс эттирувчи масалаларни ўрганиш.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларининг кескинлашувиغا сабаб бўлаётган “Тожикистон алюминий компанияси” ва Роғун ГЭСи муаммоларини “Жамият” газетасининг 2011-2012 йиллар мобайнида чиққан матбуот материаллари асосида таҳлил қилиш.

Тожикистон атрофидаги минтақаларда кечаётган экологик жараёнлар **битирув малакавий ишининг объекти** ҳисобланади. Шунингдек, БМИда ушбу жараёнларга таъсир ўтказувчи минтақамизда вужудга келган геосиёсий, тарихий омиллар ва мазкур муаммо атрофидаги назарий амалий қарашлар таҳлил қилинади. Ўзбек ва тожик муносабатларининг асосий омилларини журналистик таҳлили **тадқиқотнинг предмети**дир.

**Ишнинг методологияси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида юзага келган сиёсий, экологик вазият, минтақада буюк давлатларнинг манфаатлари ва Марказий Осиё хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос сиёсий манфаатлари борасида билдирган мулоҳазалари шунингдек, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асари, БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-

услугий мажмуаларида илгари сурилган Марказий Осиёдаги барқарорлик тўғрисидаги қарашлари назарий ва услубий асос бўлди.

Бундан ташқари, “Жамият” ижтимоий сиёсий газетасида чоп этилган илмий мақолалар, ўзбек миллий энциклопедияси, Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев муаллифлигида нашр этилган “Мустақил Ўзбекистон тарихи” асарлари ва интернет саҳифаларидан олинган маълумотлар тадқиқот олиб боришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилди.

**Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги.** Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларидаги экологик муаммолар ОАВда кенг ёритилмоқда ва жиддий мунозарага сабаб бўлмоқда. Бироқ ушбу муаммо сиёсий фанлар ва журналистика назарияси доирасида илмий–назарий жиҳатдан тадқиқ этилмаган. Ана шу жиҳатдан мазкур ишни биринчи иш сифатиди қабул қилиш мумкин.

**Битирув малакавий иши тузилиши** жиҳатидан кириш, 4 та параграфни ўз ичига олган 2 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I боб. Ўзбек-тожик муносабатлари ва замонавий геосиёсат**

### **1. 1. Ўзбек-тожик муносабатларида анъанавийлик ва замонавийлик**

Ўзбек ва тожик халқлари муносабатлари бугун ё кеча пайдо бўлган янги воқелик эмас. Унинг узоқ асрлар мобайнида шаклланиб, бир-бирига боғланиб кетганлиги барчамизга аён. Муҳтарам Президентимизнинг “Ўзбек ва тожик халқлари икки тилда гаплашадиган бир халқ” деган такидлари сўзимизни нечоғли асосли эканлигини исботлайди.

Тожик ва ўзбек халқларининг яшаш шароитлари, урф одатлари, турмуш тарзи нихоятда бир-бирига яқин. Бу икки халқнинг ўтмишда биргалашиб, ўз озодлиги, эрки учун курашгани, ўлмас меъморий ёдгорликлари ва санъат дурдоналарини яратгани тарихдан маълум. Асрлар давомида кўпгина ўзбек ва тожик намоёндалари бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлиб ижод қилиб келишганини тарих инкор этмайди.

Шу ўринда ўзбек - тожик халқларининг маданий адабий алоқалари ҳақида тўхталиб ўтсак. Икки буюк арбоб, ўз даврининг машҳур зуллисонайн шоирлари Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоийнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги ана шу алоқалари тарихидаги ёрқин саҳифадир.

“Жомий ва Навоий ўртасидаги ижодий ҳамкорлик шу қадар кучли эдики,- дейди академик шоир Ғафур Ғулом, уларнинг ижодхонаси бир-биридан илҳом оларди. Улар бир хил манфаат билан яшар, бир хил ҳаводан нафас олар, бир- бирини янги-янги ижодий ютуқлар, янги-янги поэтик асарлар яратишга руҳлантирар эди”.

Абдурахмон Жомий Алишер Навоийдек улуғ дўстини нафақат илмда, назмда, ҳатто, дўстлик ва инсонийликда ҳам анча улуғ эканлигини айтади. У бундай дўстлик фазилатларини таърифлаб, бошқаларини ҳам шундай иноқликка чақиради. Ўз навбатида Алишер Навоий Жомий ва унинг ижодига жуда катта баҳо бериши ўзбек ва тожик халқлари муносабатларининг ёрқин ифодаси.

Жомий ва Навоий ўртасидаги дўстлик, устоз-шогирдлик, чинакам ҳамкорлик, сўнмас ижодларидаги уйғунлик асрлар бўйи бирга яшаган, ҳаётнинг оғир-енгилини, аччиқ-чучугини бирга тотиган, маданият ва санъатларини, ҳунар ва касбу-корларини бирга тараққий эттирган, толеи-тақдири ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг ёрқин тимсоли сифатида гавдаланади.

Бу номларни узоқ давом этириш мумкин. Хусусан, ўзбек ва тожик халқлари дўстлигини икки халқнинг буюк фарзандлари Аҳмад Дониш ва Фурқатсиз ҳам тасаввур қилиш қийин. Маърифат оламининг жарчилари бўлмиш бу икки сиймо ҳар икки халқнинг чинакам фарзанди ва зукко ижодкорларидандир.

Ўзбек адабиётининг бешигини тебратган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан тожик адабиётига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган Садриддин Айнийлар ўртасидаги дўстлик ҳам диққатга сазовор. Ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир-бирига дўстлик муносабатлари юқори эканлиги ҳақида таъкидлаб ўтилганидек, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва С.Айнийларнинг ўзаро адабий алоқаларни янада мустаҳкамланишига муносиб замин яратдилар. Ҳ.Ҳ. Ниёзий, С. Айний, А. Қодирий, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, М. Авезов, М. Турсунзода, Ч. Айтматов каби адабиётимизнинг буюк намоёндалари ушбу анъаналарни ўрганиш, улардан ижодий самара олиш асосида камолатга эришди ва икки халқ адабиётини юқори чўққига кўтарди.

Ана шундай тараққиётнинг юксак чўққисига чиқиб олган ўзбек ва тожик адабиётининг қардошлик алоқалари мустаҳкамланди. Қолаверса Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий бошлаб берган зуллисонайлик анъаналарини Машраб, Турди, Нодира, Фурқат, Завқий, Анбар отин, Асирий, Айний, Ҳамза ва бошқалар давом эттирганликлари муносабатларни янада боғланишига замин яратди. Ҳамза тожик тилида ҳам ғоявий бадиий жиҳатдан етук шеърлар яратиши билан баробар, ўзининг драма труппаси билан Тожикистоннинг шаҳар ва туманларида томошалар кўрсатди.

С. Айний “Қуллар” романини ўзбек тилига яратди ва тожик ҳамда ўзбек тилида самарали ижод қилиб, ўзининг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлари билан икки халқ маданиятини ривожлантиришда катта рол ўйнади.

20-йиллар охиридан Тожикистон театрларида Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи”, К.Яшиннинг “Гулсара”, Ғ.Зафарийнинг “Ҳалима”, Хуршиднинг “Фарход ва Ширин”, кейинроқ С.Абдулланинг “Тохир ва Зухра”, Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий”, Туйғуннинг “Муҳаббат” ва бошқа пьесалари сахналаштирилди. Айни вақтда тожик драматургларидан С.Улуғзоданинг “Гавҳари шамчиноқ”, С. Фанининг “Тўй”, Ғ.Абдуллонинг “Шарқ садоси” каби пьесалари ўзбек театри сахналарида намоиш қилинди.

Ўзбек-тожик маданий адабий алоқаларининг равноқ топишида бадиий таржимачилик ҳам муҳим ўрин тутди. С.Айнийнинг 8 жилдли асари, А.Лохутийнинг “Девон”и, М.Турсунзоданинг деярли барча асарлари, Миршакарнинг “Биз Помирдан келдик”, “Олтин қишлоқ”, “Тоғ қизининг ишқи”, Ж.Икромийнинг “Олов қизи”, “Бухоронинг ўн икки дарвозаси”, С.Улуғзоданинг “Ёшлигимиз тонги”, “Восъе”, Р.Жалилнинг “Пўлод ва Гулрў”, “Шўроб”, Ф. Ниёзийнинг “Вафо” асарлари ва бошқаларнинг шеърий, насрий асарлари ўзбек тилида нашр этилган. Шунингдек Ҳамза, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғайратий, Ҳ.Олимжон, Ш.Рашидов, Зулфия, А.Муҳтор, Р.Файзий, С.Абдулла, Э. Воҳидов, А.Орипов, Г.Жўраева, Б.Бойқобилов ва бошқаларнинг асарлари тожик тилига таржима қилиниб, Тожикистонда нашр қилинган.

Ўзбек ва тожик адабий ва маданий алоқаларининг равноқ топишида Тожикистонда яшаб ўзбек тилида ижод қилган шоир ва ёзувчилар: Аширмат, М. Тўлқин, М.Остон, Ў.Жамол, Ж.Тошматов, З.Дўстматов, Қ.Мамажонов, Ш.Саттор, А.Усмон, Х.Қурбонова, С.Нишонова, Ж.Эргаш, У.Умаров, А.Зухур ва бошқаларнинг ҳам ҳиссаси бор.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Ўзбек миллий энциклопедияси. Т.: “Давлат илмий” нашриёти, 2005. 488- бет.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, бу икки халқ руҳияти асрлар мобайнида бир-бирига тутшиб, маънавий, диний ва ахлоқий муносабатлари уйғунлашиб кетган, яшаш тарзлари ва урф-одатлари муштарак бўлиб, ягона, улкан ва жонли вужудга айланган. Шунинг натижасида қондош-у жондошлик, бир бутунлик анъаналари таркиб топган. Кишилиқ тарихида бундай маънавий, руҳий ва фикрий яқинлиқ бу диёрда ҳамиша ҳамма нарсадан устун келган.

Янги даврга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллиқ шароитида миллат, миллатлараро муносабатлар, миллий маданият, яқин қардош халқларнинг маданий мероси, этник муносабатлари, жуғрофий ва иқтисодий бирлиги ҳақидаги кенгроқ тасаввурлар уйғонди. Сабаби, янги тарихий шароитларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Ўзбекистон ва Тожикистон мамлакатлари халқларининг келиб чиқиши, уларнинг тарихи ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачароқ қарашни ҳаёт тақозо эта бошлади. Зеро, тақидланганидек этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, тарихан бир муҳитда яшаб, ўтмиш маданияти бир заминда вужудга келган, бироқ, айни пайтда мустақил давлат бўлиб яшаётган икки давлат ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашини ҳаётнинг ўзи зарурат, деб ҳисобламоқда.

Бугун нафақат Тожикистон ёки Ўзбекистон балки Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакат ўз тарихи, ўз хусусиятлари, ўз ривожланиш йўли борлигини ва келажакда уларнинг ҳар бири жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашини тушуниб олиш вақти етди. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр тоқат, бағрикенглик, ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо

анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини ҳам авайлаб қабул қилганлар.

Аминманки, вақт ва тарих бизнинг фойдамизга мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ҳаётимизни ва тарих ғилдирагини тўхтатиб ҳам, орқага қайтариб ҳам бўлмайди. Шу билан бирга яқин ва яхши кўшни бўлиб, маданий ва демократик дунёда удум бўлганидек, муштарак муаммоларимизга шерик бўлиб ва уларни биргаликда ҳал қилиб яшаш зиммамизга тушган.<sup>3</sup>

Хусусан, XX асрнинг охириги ўн йиллиги Ўзбекистон тарихида туб ўзгаришлар даври бўлди. Узоқ йиллар давом этган мустабид шўролар тузуми емирилди. Халқимиз кутган 1991 йил 31 август санаси тарихда мухрланди, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Чуқур тарихий илдишларга эга миллий давлатчилигимиз яна тиклана бошлади.

Ўзбекистон ўз олдида улкан мақсад ва вазифаларни қатъият билан белгилаб қўйди. Ушбу мақсадларга эришиш учун бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш борасида тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлади. Бу унинг тараққиёт модели яни уни муайян давлат томонидан бир ижтимоий тузумдан иккинчи ижтимоий тузумга ўтиш ёки бирон-бир жамиятдаги умрини ўтаб бўлган ижтимоий муносабатларни замонавий талаблар асосида ислоҳ этиш борасида танлаб олинган ривожланиш йўлига айтилади.

Ўзбек моделининг асосий мазмуни жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки босқичма-босқич ислоҳ этишни назарда тутди. Жамиятни ислоҳ этишнинг беш тамойилини Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича белгилаб қўяди:

Биринчи тамойил. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги.

Иккинчи тамойил. Давлат - бош ислохотчи.

---

<sup>3</sup> Ислом Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”. Тошкент - “Ўзбекистон” - 1998. 465- бет.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги .

Тўртинчи тамойил. Кучли ижтимоий сиёсат юритиш.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Бугунги кунда Ватанимизнинг жаҳонда тутган ўзига хос ўрни ва нуфузи ана шу моделнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани билан ҳам боғлиқ.

Давлатимиз мустақиллигини сақлаб қолиш ва истиқлол имкониятларини тезроқ рўёбга чиқариш мақсадида бир қатор муҳим сиёсий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон кўплаб ривожланган давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатди. Дастлаб қўшни давлатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Жумладан, 1992 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилгани икки мамлакат алоқаларини мустаҳкамлашга замин бўлди. Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқалар 2000 йил 15 июнда Душанбе шаҳрида Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари томонидан имзоланган икки давлат ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномасига асосан амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунгача бу икки давлат ўртасидаги олий даражада бир қанча расмий ташрифлар бўлиб ўтди. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири бошчилигидаги давлат делегацияси Тожикистон Республикасида амалий ташриф билан бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил июнь ва 2002 йил октябрда Тожикистон Республикасига расмий ташриф билан сафарда бўлиб қайтди. 2003 йилнинг май ойида Тожикистон Республикасига ҳукумат делегацияси Тожикистон президенти И.Раҳмонов бошчилигида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки бошқарув кенгашининг навбатдаги мажлисида ва 2004 йил июнь ойида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. 1998 йили Ўзбекистон Республикаси, Тожикистон

Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик борасида уч томонлама декларация қабул қилинди. Мазкур декларацияга мувофиқ, аъзо давлатлар икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Шу билан бир қаторда икки давлат раҳбарлари турли хил халқаро ташкилотлар (жумладан, МДХ, ШХТ, МОХТ, БМТ, НАТО ва бошқалар) саммитлари, йиғилишлари ва учрашувларида ҳам иштирок этиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш каби масалаларга катта аҳамият қаратиб келмоқда. Мазкур ташриф ва музокаралар натижасида бир қатор муҳим шартнома ва битимлар имзоланган. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 148 та ҳужжат ташкил этади. Улардан 48 тасини давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро ҳужжатлар; 47 тасини давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари борасидаги икки томонлама халқаро ҳужжатлар; 23 тасини эса президентларнинг қўшма баёнотлари, ҳукуматлараро комиссия мажлисининг протоколлари ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳужжатлар ташкил этади.<sup>4</sup>

Бугунги кунда маданий - маърифий соҳадаги ўзбек-тожик ҳамкорлиги юқорида таъкидланганидек икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик Шартномаси, 1997 йил 10 январдаги таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасидаги икки томонлама ҳукуматлараро битим ва 1998 йил 4 январдаги маданият ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик олиб боришга қаратилган битимлар асосида амалга оширилмоқда. 1998 йил июнь, июль ойларида Ўзбекистон Республикасида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов бошчилигида Тожикистон кунлари бўлиб ўтди. 2002 йил август ойида эса телевидение Тожикистон ҳудудида ва ўз навбатида, тожик теледастурларини Ўзбекистон ҳудудида намойиш қилиш хусусида икки томонлама битим қабул

---

<sup>4</sup> Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. “Академия” нашриёти. Тошкент 2005.

килинди. Бу соҳадаги ҳамкорлик муносабатлари ривожлантиришга, ўртадаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бироқ, танганинг иккинчи томонига ҳам назар ташлашни унутмаслигимиз керак. Узоқ тарихий боғлиқликка эга Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари айрим хавотирлар сабаб чигаллашмоқда. Яни Тожикистон алюмин заводи ва Роғун ГЭСи қурилиши натижасида катта экологик барқарорликни йўқотишга и ҳолат. Президентимиз бу масалага алоҳида аҳамият қаратди ва уни давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Такидлаганларидек, “экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади. Бугун, XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик муаммоси миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умуминсоният даражасига айланди. Шу боисдан уни фақат ҳамкорлик асосидагина ҳал этиш мумкин”.

Ҳозирги глобаллашув шароити Тожикистондаги ҳолатни тинч йўл билан ҳал қилишни тақоззо этади. Бу эса ўз навбатида Марказий Осиёдаги барқарорликни мустаҳкамлашга олиб келади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлари жараёнида вужудга келаётган иқтисодий, экологик ва бошқа муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга интиломоқда. Бу эса энг тўғри йўл. Зеро, азал - азалдан ўзбек ва тожик халқлари шу бепоён ўлкада бирдамлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келган. Бугун ҳам ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечирмоқда. Икки миллатнинг бир халқ бўлиб яшаши биз учун ўчмас анъана ва қадриятга

айланиб кетган. Гарчи Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Роғун ГЭСи ва алюминий заводи туфайли айрим зиддиятлар юзага келган бўлсада бу икки кўшни мамлакатларнинг узок тарихий илдизидан кечган ҳолда узилиб кетишига сабаб бўлмайди. Шу ўринда Президентимизнинг юқорида таъкидлаган сўзларини асос сифатида эслаш ўринли. Ўзбек ва тожик халқлари икки тилда гаплашадиган бир халқ! Шундай экан, икки халқнинг азалий дўстлик муносабатларига зарар етмаслиги керак. Тожикистон томонидан қурилган ва қурилаётган иншоотларнинг кўшни давлатлар экологиясига, ижтимоий ҳаётига, иқтисодига энг биринчи аҳоли саломатлигига таъсир етмаслиги керак. Ўзбекистоннинг асосий мақсади ҳам шунда. Буларни тинч йўл билан ҳал қилиш.

Мустақилликнинг қийин ва машаққатли даврида келажакка қатъий ишонч билан қараган халқгина бундай кенг миқёсдаги вазифаларни амалга ошириши мумкин. Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларини енгиб, ҳар куни қутилмаган муаммолар пайдо бўлиб турган бир пайтда майда юмушлар ва кундалик ташвишлар гирдобида қолиб кетмай, истиқбол йўлини танлаган халқнинг келажаги буюк бўлиши табиий. Бундай миллат дунё халқлари билан тенгма-тенг мулоқот қила олади, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Бундай халқни асло енгиб бўлмайди! Зотан, маърифат, маданият, маънавият нури билан ёғрилган ватанпарварлик ҳисси, Ватан туйғуси ҳар қандай кучдан ғолиб келгувчи мўжизакор қудратдир.

## **1. 2. Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига таъсир этувчи замонавий геосиёсат**

Геосиёсат - сиёсий фанлардаги асосий йўналишлардан бири бўлиб, бугунги кунда халқаро муносабатларда жуда муҳим ўрин эгаллаб бормокда. Ҳозирга қадар геосиёсатни илмий йўналиш сифатида асослаш ва эътироф этиш тўлиқ ҳал қилинмаган. Бугунги замон ва маконда бу фаннинг чуқур моҳиятини тадқиқ этиш геосиёсий жараёнларни англаш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Шуни таъкидлаш керакки, классик геосиёсатчилар мазкур фанни назарий ва амалий мажмуа сифатида талқин этган ва уни ўз давлатларининг ташқи сиёсатини шакллантиришда қўллашга ҳаракат қилган. Натижада амалий геосиёсат пайдо бўлиб, кўпгина ҳолларда етакчи давлатлар ташқи сиёсатининг назарий асоси сифатида хизмат қилган. Бундай геосиёсат ўтган асрда яққол намоён бўлган бўлса-да, Ғарб давлатлари Х.Маккиндер назариясига ва унинг издошлари - С.Хантингтон ва З.Бжежинскийларнинг таълимоти асосида дунёга ҳукмронлик қилишни илгари суради.

Геосиёсий мактаблар намояндалари томонидан яратилган турли концепциялар геосиёсат фанининг мазмун-моҳияти, йўналишлари, тамойиллари ва умумий предметини ташкил этади. Фаннинг асосий предмети ҳамда бош услубий тамойилларини белгилашда муаллифлар турлича ёндошади. Бундай бўлиниш тарихий шарт-шароит, шунингдек, геосиёсатнинг дунё сиёсати, ҳокимият муаммолари ва ҳукмрон мафкуралар билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқади. Геосиёсатнинг умумийлик хусусияти унинг таркибида география, тарих, демография, стратегия, этнография, диншунослик, экология, ҳарбий таълимот, мафкура, социология, сиёсатшунослик каби кўплаб фанлар унсурларининг уйғунлашувида намоён бўлади. Ушбу фанларни фақат геосиёсатга тегишли, дея хулоса чиқариш тўғри эмас.

Мумтоз таълимотларни ўрганиш орқали геосиёсатни дунёқараш сифатида талқин қилиш ва бундай ҳолда уни фанлар билан эмас, балки фанлар тизими билан қиёслаш лозимлиги ўртага чиқади. Рус олими Ю.В.Тихонравов машҳур немис геосиёсатчиларидан К.Хаусхофернинг геосиёсат «сиёсатнинг жуғрофияга боғлиқлиги» тўғрисидаги таълимот сифатида таърифлаганлигини таъкидлайди. Геосиёсатнинг асосчилари бу фаннинг бош мақсади - давлатнинг ривожланиши учун бошқа давлатлар ҳудудини босиб олиш заруратини англашдан иборат, дея талқин этишган. Уларнинг фикрича, «аллақачон бўлиб олинган дунёда ҳудудларни бир давлат бошқасидан фақат куч билангина тортиб олиши мумкин».

Геосиёсат индивиднинг ўзи яшаётган ҳудуд (макон) белгилаб берган, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, рельефи, ландшафти таъсирида шаклланиши, яни унинг ижтимоий-жуғрофий моҳиятига асосий эътиборни қаратади. Бироқ бундай алоқадорлик инсоннинг давлатлар, этнослар, маданиятлар ва цивилизациялар доирасида юритадиган кенг миқёсдаги ижтимоий фаолиятида кенгроқ кўринади.

Инсоннинг жуғрофий муҳитга боғлиқлиги алоҳида шахсдан узоқлашиб кишилар гуруҳига яқинлашгани сари геосиёсатнинг асосий ғояси намоён бўла боради. Шу сабабли геосиёсат том маънодаги мафкурага, аниқроғи “оммавий мафкурага” айланмаган. Хулоса ва услублари, тадқиқот предмети ва асосий қоидалари ижтимоий ва тарихий характердаги умумбашарий қонуниятларига баҳо бериш, стратегик режалаштиришнинг улкан муаммолари билан шуғулланувучи ижтимоий қатламлар учунгина тегишли бўлиши мумкин. Геосиёсий макон жуда катта ўлчовларда намоён бўлиши туфайли геосиёсат ҳам давлатлар, халқлар ва ҳоказо умумлашган воқеликлар билан боғлиқ ижтимоий гуруҳларга мўлжалланган.

Мумтоз тадқиқотларга кўра геосиёсат жуғрофий ҳукмронлик дунёқарашини, унинг шакл ва кўринишлари ҳамда бундай ҳукмронликни ўрнатиш қоидалари, мезонлари ва тамойиллари ҳақидаги фан сифатида қаралади. Инсон

иҷтимоӣ ҷиҳатдан юксалиб борган сари геосиёсат унинг учун аҳамият, мазмун ва манфаат касб этиб боради. Бу фан билан фақат мамлакатлар ва миллатларни бошқаришда фаол иштирок этадиган ёки шундай мақсад йўлида ҳаракат қилаётган кишиларгина шуғулланиб келганлиги яхши маълум.

Геосиёсат ўзи учун муҳим ва иккинчи даражали бўлган фанлар ёки фан йўналишларинигина белгилаб олади. Бошқа иҷтимоӣ ва табиӣ фанлар геосиёсий услубнинг асосий тамойилларига зид келмаган тақдирдагина тадқиқот доирасига жалб этилади. Ҳозирда Ер юзида етакчилик қилаётган энг қудратли давлатларнинг ҳаракат дастури сифатида иттифоқлар тузиш, уруш бошлаш, ислохотлар ўтказиш, ҷамиятни таркибӣ ҷиҳатдан қайта қуриш, кенг қамровли иқтисодӣ ҳамда сиёсий дастурларни жорий қилиш каби муҳим қарорларни қабул қилиш борасидаги зарурӣ ҳулосаларни ўз ичига олган ўзига хос амалӣ қўлланмага айланиб қолган.

Илк бор “Геосиёсат” тушунчасини шведциялик олим Рудольф Челлен (1864-1922) қўллаган. Р.Челлен Гётеборг ва Уппсала университетларида тарих ва сиёсий фанлар бўйича профессор лавозимида ишлаган. Бундан ташқари, мамлакат парламенти аъзоси сифатида ҳам сиёсий фаолият олиб борган. Р.Челлен профессионал географ бўлмаган ва у геосиёсатнинг устози Фридрих Ратцел асарларига асосланиб, сиёсатшуносликнинг бир бўлими сифатида ўрганган. Р.Челлен геосиёсатни қуйидагича таърифлайди: “Геосиёсат - маконда ифодаланган жўғрофӣ тана шаклида бўлган давлат тўғрисидаги фандир”<sup>5</sup>.

Геосиёсатга хос бўлган илмӣ жумбоқни Х.Маккиндернинг илмӣ асарларида яққол кузатиш мумкин. Унинг “Тарихнинг жўғрофӣ ўқи”, “Демократик идеаллар ва воқелик” сингари машҳур асарларида энг муҳим геосиёсий ғоялар баён этилган. Шунини таъкидлаш керакки, Х.Маккиндер нафақат сиёсат оламида, балки илмӣ доираларда ҳам юқори мавқега эга

---

<sup>5</sup> Муитов Д. Худудӣ яхлитлик муаммоси: Геосиёсий таҳлиллар тажрибаси . кандидатлик ишида ёзган диссертацияси. Т., 2003

бўлишига қарамай, унинг ғоялари илмий ҳамжамият томонидан қабул қилинмаган.<sup>6</sup>

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач ривожланган мамлакатлар қаторида ўз эрки, ўз тинчлиги ва ўз мақсадлари йўлида пешқадамлик қилди. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа барча соҳаларда илғорликни илгари сурди. Жаҳоннинг катта тараққиёт йўлини босиб ўтган мамлакатлар билан кенг ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Энг аввало қўшни давлатлар билан азалий қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаган ҳолда фаолият юритди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири - Тожикистон билан ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилди. Бу, икки давлатлар тарихи, маданияти, тили ва дилининг бирлигидан, томирларининг тутшиб кетганлигидан келиб чиқувчи жиддий сиёсат иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўли эди. Шунинг алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов кейинги беш йиллар мобайнида нафақат Тожикистон балки Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар, халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиб уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тадбирларини қадам - бақадам амалга ошириб келмоқда.

Ҳозир дўстлигимиз, қардошлигимизнинг янги даври юз очди. Мустақил миллат, ўз мустақил ватанининг эгаси бўлган халқларимиз янги тарихни бошлади. Бу тарих-эрк тарихи, балоғатга етиш, иқтисодий ва маънавий қад ростлаш, жаҳон ҳамдўстлигида ўз номи ва нуфузини барқарор этиш тарихи бўлажак.<sup>7</sup>

Маълумки, бир неча минг йилликлар мобайнида жони-жонига, қони-қонига пайванд бўлиб кетган Марказий Осиё-қадимий Турон халқлари собиқ СССР даврида турли миллатларга ажратиб ташланди. Қоғоздагина суверен,

---

<sup>6</sup> Муитов Д. Худудий яхлитлик муаммоси: Геосиёсий таҳлиллар тажрибаси . кандидатлик ишида ёзган диссертацияси. Т., 2003

<sup>7</sup> Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. Ўзбекистон - 1995, 28 - бет

аслида эса марказга қарам совет республикалари барпо этилди. Бу сохта сиёсат туфайли анъаналари, турмуш тарзлари, рухий ва маънавий қадриятлари бир бўлган халқлар ўзбек-у қозоққа, тожик-у қирғиз, туркманга бўлиб юборилди. Ўз мустақиллигига эришгач эса эски тузум алоқаларига барҳам берилди. Қардош миллатлар яна бир жон-у бир тан бўлиб бирлашди. Турли соҳаларда тараққиёт учун пешқадамлик қилган Марказий Осиё давлатлари бир-бири билан ўзаро алоқалар ўрнатди.

Айни пайтда Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларда ўзига хос табиий ишлаб чиқариш имкониятлари мавжудлиги эътиборли. Собиқ СССР даврида қазиб олинган кўмирнинг қарийб 20 фоизи, газнинг 18 фоизи, олтиннинг 33 фоизи, ўсимлик ёғининг 26 фоизи, пахтанинг 92 фоизи ана шу минтақа ҳисобига тўғри келарди. Шу масаланинг ўзиданоқ бой, деҳқончилиги тараққий топган, маъдан хазиналари беҳисоб бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш қанчалик самарали эканлиги кўзга яққол ташланади.

Бироқ, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг самарали ишлаши учун тўсиқ бўлаётганлар ҳам оз эмас. Булар, биринчидан, етмиш йиллик яқин ўтмишда шаклланган, сохта миллатпарварлик ҳиссиёти, аҳоли бир қисми тушунчаси ва дунёқарашининг маълум даражада чекланганлиги, минтақавий ҳамкорлик мазмун-моҳиятини тўла ва чуқур тушуна олмаётганлиги бўлса, иккинчидан, мамлакатларимизнинг ўзаро яқинлашувидан таҳликага тушаётган кучларнинг мавжудлигидир. Бу йўлдаги ютуқ ва камчиликларни, мавжуд зиддиятларни ўз вақтида англаган юртбошимиз Ислом Каримов масалага реал қарайди ва холис баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлиснинг 1995-йил 23-февлардаги II сессиясида Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни белгилаб шундай деган эди: «Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир. Халқларимиз тарихи, маданияти, анъаналари, диний эътиқодининг

муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади.

Бизнинг мақсадларимиз бир, тақдиримиз бир, деб ўз фикрини давом эттириб Президент И.Каримов - «...биргаликда яшашимиз керак. Янада очикроқ айтганда, агар Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ёки Қозоғистондан ҳам ташаббус чиқадиган бўлса, мен уларни қўллаб-қувватлашга тайёрман. Мен Марказий Осиё давлатлари орасида интеграция барпо қилишнинг энг оғир ва энг ожиз томони бу халқлар орасига совуқлик солувчи, уларни бир-биридан узоқлаштирувчи сунъий тўсиқлар эканини тушунаман» - дейди «Озодлик» радиостансияси билан қилган суҳбатда.

Марказий Осиё хонадони - қадимий хонадон. У ўз шонли тарихига, буюк анъаналарига, дунёвий маданиятига эга бўлган улкан ва файзли оила. Ана шу минтақада мавжуд бўлган тарихий анъаналарни давом эттириш, уларни янги тарихий шароитларда бойитиб бориш, келгуси авлодга ҳар томонлама етук, баркамол жамиятни мерос қолдириш ҳаммамизнинг бурчимиз. Шу маънода Президентимизнинг «Ёш авлодга биз озод ва обод Ватанни мерос қолдирмоғимиз керакки, улар боболарининг улуғ ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги ғафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир», - деган сўзлари бугун ўзбек халқи кўнглидаги фикрлар десак муболаға бўлмас.

2001-2007-йиллар Марказий Осиё тақдири учун алоҳида ва тарихий аҳамиятга эга бўлган давр сифатида тарихга кирди. Бу бевосита халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг тазйиқи кучайган бир пайтда Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг геосиёсий аҳамияти тобора ошиб борганини кўрсатади.

Биламизки, Марказий Осиё давлатлари қардошлик муносабатларида Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тожик ва ўзбек халқининг ўтмиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ҳозирги муносабатлари турли даврларда турлича мунозараларга сабаб бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов Марказий Осиё халқлари бирлигини

мустаҳкамлашнинг минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш сиёсатининг инсонпарварлик мазмуни ана шунда, деб билди.

Аммо, айрим мафкураси бузуқ иғвогарлар ана шу ҳар икки миллатнинг нозик жиҳатларидан фойдаланиб, уларнинг ҳиссиёти ва шаънига тегишмоқда. Ҳар икки миллат ўртасига нифоқ солишга уринишлар бўлди. Аслини олганда минтақа халқларининг шаклланиш жараёни асосан бир замин ва бир хил тарихий шароитда вужудга келган. Улар бир хил ҳаётӣй, руҳӣй кечинмалар жараёнини бошдан кечиришган. Дунёқарашлари, онг ва тушунчалари ана шу умумӣй яхлитлик, умумӣй уйғунлик доирасида пайдо бўлган. Тилларидаги турли лаҳжалар ва шевалар уларнинг бир бутунлигини, яхлит ва умумӣйлигини инкор этмайди. Аксинча ўзаро яқинлигини, қардош ва қариндошлигини тасдиқлайди. Улар ўртасида ким қайси тилда гаплашаётгани билан эмас, ким қандай умумӣй манфаат, умумӣй қадрият хусусида ўйлаётгани ва унга интилаётгани билан муносабатларини баҳолашган.

Тожиқлар ва ўзбеклар ўртасида турли ғализ фикр ва мулоҳазаларни тарқатишга ҳаракат қилаётирлар. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларидаги асосӣй тамойил бирбирларининг суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларига аралашмаслик, айни чоғда ўзаро ҳурмат бўлди.

Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида биринчи ўринда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги мамлакатлар билан ўзаро тенг манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга катта аҳамият берди. Чунки шўро тузуми шароитида ҳукм сурган бошқарувнинг марказлаштирилган маъмурий - буйруқбозлик усули, мустабидлик сиёсати собиқ иттифоқ таркибига кирган мамлакатларни иқтисодӣй жиҳатдан бир-бирига шундай боғлаб қўйган эдики, натижада улар ўзаро қарамлик домига тушиб қолган эдилар. Шунинг учун собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан ёш мустақил давлатлар буни чуқур ҳис қилар ва мавжуд қийинчиликлар ҳамда иқтисодӣй инқироздан чиқишнинг, мустабид сиёсат асоратидан қутулишнинг бирдан-бир

йўли бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиш эди. Ана шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ғоясини қўллаб-қувватлади.

1991-йил 21-декабрда Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Украина давлатлари бошлиқлари Алматида учрашиб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солдилар. Шу тариқа XX асрнинг муҳим воқеаларидан бири содир бўлди - МДҲ ихтиёрий иқтисодий уюшма юзага келди. Шундан буён МДҲнинг бир неча йиғилишлари ўтказилди, кўп ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг бари узоқ йиллар бир давлат бўлиб келган мамлакатлараро иқтисодий, маданий, ҳарбий ва бошқа алоқаларни янги шароитларда - мустақил давлатлараро муносабатлар тарзида давом эттиришга қаратилди<sup>8</sup>.

Шуни қайт этиш керакки, ҳозирги даврда Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларининг боғлиқлик томонларидан яна бири Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти бўлиб, бугунги кунда ушбу ҳамкорлик аъзо давлатлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Дастлаб “Шанхай бешлиги” деб номланган бу ташкилотга 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб қўшилгач, “Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти” деб аталадиган бўлди. Айни пайтда унга Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари расман аъзодирлар. Хавфсизликни таъминлаш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, экология муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, савдо-сотиқ алоқаларини чуқурлаштириш, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳалардаги муносабатларни кенгайтириш ва бошқа ҳаётий муҳим йўналишлар бўйича муаммоларни ҳал этиш ШХТнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Шунингдек ШХТга аъзо давлат қуйидаги тамойилларга таянган ҳолда фаолият олиб бориши белгилаб берилди:

- давлатлар суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тажовуз қилмаслик, ички

---

<sup>8</sup>Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент 2009, 627-бет.

ишларга аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатиш ва куч билан тажовуз қилиш, чегара ҳудудларда бир томонлама устунликдан воз кечиш;

- барча аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳар бирининг нуқтайи назарини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш асосида ягона ёндашувларни излаш;

- умумий манфаатлар доирасида биргаликдаги хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич амалга ошириш;

- аъзо давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўллар билан ҳал этиш;

- ШХТ бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотга қарши қаратилмагани;

- Хартия ҳамда ШХТ доирасида қабул қилинган бошқа ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни тўлиқ ҳамда виждонан бажарилиши аъзо давлатлар учун қатий белгилаб қўйилди.

“Ўзбекистон ва Тожикистон азo бўлган яна бир халқаро ташкилот Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятидир. Маълумки, Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотининг 2005 йил 6—7 октябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган Саммитида МОХТ билан Евросиё Иқтисодий Ҳамжамиятини бирлаштиришга келишиб олинган эди. Мазкур икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари кўп жихатдан ўхшаш ҳамда бир-бирига яқин бўлганлиги Ўзбекистоннинг Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамияти сафидан жой олишига олиб келди. 1995 йилда Божхона иттифоқи негизида тузилган бу ташкилотнинг стратегик мақсади аъзо давлатлар ўртасида интеграцияни ривожлантиришга қаратилган. ЕврАзЭСнинг 2005 йил ноябрида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон бу ташкилотга қўшилгач хамжамият аъзолари 6 тага етди (Россия, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон). Бу хамжамиятга аъзолик Ўзбекистон ва Тожикистон учун катта сиёсий ахамиятга эга. Чунки йирик давлатларнинг геосиёсий манфаатлари кесишган минтақада жойлашган мамлакатларимиз учун ЕврАзЭСга аъзолик турли таъсир ва таъйиқлардан химояланиш кафолатини беради.

Эрон, Покистон ва Туркия давлатларидир томонидан таъсис этилган Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилотига эса 1992 йилда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Афғонистон билан бир қаторда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳам аъзо бўлди. Ушбу ҳамкорлик ташкилоти ўз аъзолари ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техникавий алоқаларни таъминлаш мақсадида тузилган минтақавий ташкилот бўлиб хизмат қилмоқда.<sup>9</sup> Бу каби йирик сиёсий ташкилотлар дунё ҳамжамиятининг бугунги ҳаётида катта аҳамият касб этади. Бу халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик келгусида ҳам Ўзбекистон ва Тожикистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб қолаверади. Шунга қарамай алоқалар мустаҳкамланган бўлсада, кейинги 10 йилликларда Тожикистонда юз бераётган нотинч воқеаларга ўзбек халқи, Ўзбекистон раҳбарияти бефарқ қарамади. Тинчлиги бузилган тожик халқига ўзбек халқи мунтазам инсонпарварлик ёрдамини бериб турди. Президент Ислон Каримов бир қатор халқаро минбарларда, жумладан, БМТ, ЙХХТ ва МДХ давлат раҳбарлари билан учрашувда Тожикистонда вазиятни нормаллаштиришга, уни тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилишга қаратилган таклифларни ўртага ташлади. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, Тожикистон ва Афғонистон можаролари, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди. 1993 йил 30 июл санасида “Ўзбекистон овози” газетасига чоп этилган мухбирларнинг авғон-тожик чегарасида юзага келган танглик хусусидаги саволларига Президентимиз Ислон Каримов қуйидагича жавоб беради: биринчидан, Тожикистон билан Афғонистон чегарасида рўй бераётган зиддиятни ҳеч қачон катта куч тўплаб, зўрлик йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Зўрлик ишлатиш аҳволни баттар чигаллаштириб юбориши мумкин. Бу муаммони фақат тинч йўл билан, музокаралар воситасида ҳал этиш зарур.

---

<sup>9</sup> <http://www.uznews.uz>

Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати шуки, - деди Ислон Каримов, Тожикистон - мустақил давлат, унинг раҳбарияти мамлакатнинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган, ўз халқининг туб манфаатларига хизмат этувчи сиёсат юргизиши табиий. Ҳозир Тожикистон раҳбарияти мамлакат бошига тушган катта ғожиадан чиқиб олиш йўллари ахтаряпти. Биз қўшни давлат вакиллари, тожик халқи тезроқ ўз диёрида, тинч ва фаровон ҳаёт қуришини истаемиз. Тожикистон раҳбариятининг ўз юртида тезроқ тинчлик ва тотувлик ўрнатиш йўлидаги мустақил сарф-ҳаракатларини қўллаган ҳолда, баъзи бир масалаларда тавсия тарзида ўз мулоҳазаларимизни билдирсак, улар тўғри қабул этилади, деб умид қиламиз. Шу нуқтайи назардан қарасак, муаммони, яна таъкидлаб айтаман, асло зўрлик йўли билан ечилмайдиган муаммони ҳал этишда Тожикистон тарафи биринчи навбатда Афғонистон раҳбарияти билан, агар керак бўлса, Покистон, Эрон ва шу минтақадаги бошқа қўшни давлатлар билан музокара йўлига ўтса, вазиятни қай тарзда ва қанчалик тез барқарор этиш йўллари ҳақида ўзаро фикр алмашса, айтиш муддао бўлур эди.

Муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи учинчи жиҳат хусусида гапирар экан, Президент Ислон Каримов шундай деди: Тожикистон раҳбарияти ўз юрти келажагини ўйлайдиган, мамлакатда демократик жамият қуриш йўлини танлаган соғлом кучлар билан тезроқ мулоқотга ўтгани маъқул бўларди.

Бугунги кунда собиқ СССР ҳудудида қад ростлаётган мустақил давлат ўз Конституциясини, - жамиятнинг, давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқаяпти ва демократик меъёрларга мослаяпти. Чунончи, демократик сайлов тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан қонунлар тайёрлаш ҳамда шу қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш бугунги замон талабига жавоб берадиган иш бўлур эди. Агар шу нуқтайи назардан ёндашсак, Тожикистондаги ижтимоий тангликни бартараф этишнинг тўртинчи жиҳатига келамиз. Бунинг моҳияти шуки, Тожикистондаги вазиятни барқарор этиш учун кун сайин ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб бера оладиган қонунлар ишлаб чиқишни тезлаштириш зарур. Янги жамият қуриш ва янги демократик сайлов

ўтказиш йўлида турли сиёсий кучларнинг бошини қовуштириш, жамоатчиликни ана шу олижаноб мақсадларга жалб этиш, бизнинг фикримизча, ғоят маъқул иш бўлур эди.

Албатта, бизлар тожик-афғон чегарасига икки давлат ўртасидаги чегара деб эмас, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг чегараси сифатида қараймиз, деди Ўзбекистон Президенти. Муаммо ечимининг бешинчи жиҳати шундаки, ялпи Ҳавфсизлик шартномасига имзо чеккан мамлакатлар чегарани мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак. Лекин ҳар бир давлат, энг аввало, ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий ва ҳам дипломатик кучларига таяниб, муаммони ҳал этишга ҳаракат қилгани маъқул.

Президент Ислоҳ Каримов Тожикистон халқи ва раҳбарияти вужудга келган муаммоларни босиқлик ва ақл-заковат билан, тинчлик ва адолат йўли билан ҳал этишга қодир, деб ишонч билдиради.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилаётганидек, Ўзбекистоннинг энг жанубий вилояти - Сурхондарёнинг қатор туманлари аҳолиси қўшни Тожикистондаги алюминий заводидан чиқаётган заҳарли газдан азият чекмоқда, атроф-муҳити зарар кўрмоқда. Аҳоли ўртасида бунинг оқибатида нафас йўллари, овқат ҳазм қилиш, қон ва қон айланиш органларида, оғиз бўшлиғида касалликлар кўпайгани ҳам қайд этилмоқда. Айниқса, болалар ўртасида туғма касалликларга чалиниш ошиб бораётгани ташвишлидир. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам жуда ката зарар етказилди. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, тупроқ унумдорлиги пасаймоқда. Сариосиё, Узун ва Денов боғларида етиштирилаётган меваларда инсон организми учун ўта зарарли заҳарли моддалар тобора кўпроқ учраётгани ачинарли. Буларнинг ҳаммаси бевосита ва билвосита Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятига боғлиқдир. Чунки ушбу корхонанинг ишлаши оқибатида 580 минг киши истиқомат қилаётган ҳудуд атроф-муҳитига, атмосферасига ўта заҳарли фторли водород, мана, 30 йилдан

ортиқ вақт давомида ташланаётгани Тожикистон раҳбариятини умуман ташвишга солмаётир.

Ҳолбуки, бир тонна фторли водород минг тонна ис газидан ҳам хавфли эканини кўпчилик яхши билишади. Қолаверса, Тожикистон Республикаси ва Турсунзодадаги алюминий корхонаси раҳбарияти завод мўриларидан чиқаётган захарли газлар ўз аҳолиси саломатлигига, Тожикистоннинг бетакрор табиатига ҳам жиддий зарар етказаётганига ҳам бефарқ муносабатда бўлишаётгани аянчлидир. 1994 йилнинг 17 ноябрда Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ҳукуматлари ўртасида Тожикистон алюминий заводи фаолияти таъсир кўрсатадиган ҳудудларда экологик вазиятни юмшатиш бўйича ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланган эди. Афсуски, ушбу келишувнинг Тожикистон томонига тегишли бандлари бажарилмади. Натижада, яна юз минглаб аҳоли нафас олаётган ҳавони захарлашда давом этилди. Эндиликда Тожикистон томони корхонада мавжуд филтрлаш ва тозалаш ускуналарини экологик тоза, замонавий технологияларга ўтказмаган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини кескин оширишга қарор қилгани ҳудуддаги экологик вазиятни янада мураккаблаштириши турган гап.

Шу билан бирга Тожикистоннинг Хатлон вилоятида янги алюминий заводи қуришга аҳд қилингани эса Ўзбекистоннинг чегараолди ҳудудлари атроф-муҳитига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ташвишли вазият Ўзбекистондаги кенг жамоатчиликни бефарқ қолдирмаяпти. Ўзбекистон экологик ҳаракати Матбуот хизматига кўра, 2010 йилнинг 25 март куни Экоҳаракат фаоллари, Термиз давлат университети талабалари, аҳолининг турли қатламлари вакиллари иштирокида Тожикистон алюминий компанияси давлат унитар корхонаси фаолиятининг атроф-муҳитга зарари тобора ошиб бораётганига ўз норозилигини ифода этмоқ учун митинг ўтказдилар. Асосан ёшлардан иборат ва 1200 нафардан ортиқ киши иштирок этган митингда унинг қатнашчилари «Соғлом муҳит - инсон саломатлиги»,

«Табиатга озор берманг, эртага ўзингиз озор чекасиз!», «Ўзгаларни захарлашдан олдин, бу захардан ўзинг тот! Яхшиси, она табиатдан кўлингни торт», «Тожикистонлик биродарлар! Табиатни асраш - келажакни асраш эканлигини унутманг!» деган шиорларни кўтариб чиқдилар. Митингда сўзга чиққан талабалар, жамоатчилик вакиллари Тожикистон раҳбариятининг атроф-муҳит муҳофазасидек ўта долзарб вазифага панжа орасидан қараётганини, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш ўрнига уни мураккаблаштираётганини кескин қоралаб гапирдилар. Бундай ҳолатга ортиқ тоқат қилиш мумкин эмаслигини, уни керак бўлса, халқаро ҳамжамият, халқаро ташкилотлар савий-ҳаракати билан тезроқ бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратдилар.

10

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг сурхондарёлик фаоллари томонидан ташкил этилган митинг иштирокчилари Тожикистон раҳбариятининг минтақада экологик вазиятни таранглаштиришга сабаб бўлаётган сиёсатига норозиликлари баён этилган ва халқаро ташкилотларга қаратилган мурожаат тайёрлашни ташаббускор гуруҳ аъзоларига юкладилар. Экоҳаракатнинг сурхондарёлик фаоллари бундай норозилик тадбирларини вилоятнинг барча туманларида ва қўшни вилоятларда ҳам ўтказишни мўлжаллашаётгани митингда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бир нарсани унутмайлик, минтақамиз хусусияти, унинг жуғрофий-сиёсий аҳамияти шундаки, авфон ва тожик воқеалари салбий тус олган тақдирда, бу ер бутун дунёдаги беқарорлик ўчоғига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ Авғонистон ва Тожикистондаги воқеалар миллионлаб кишилар тақдирига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу мамлакатлардан келаётган ҳавф Марказий Осиё давлатлари учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда<sup>11</sup>.

---

<sup>10</sup> <http://www.12.uz/uz/news/show/comments/3968/>

<sup>11</sup> Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Ўзбекистон 1996. 34 бет

Бироқ муаммолар кетма-кетлиги узилгани йўқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистон учун катта муаммолардан бири бўлиб турган Тожикистон Республикасидаги “Тожикистон алюминий компанияси” ва Роғун ГЭСи асосий экологик муаммо сифатида кўндаланг турибди. Ушбу муаммолар сабаб икки давлат ўртасида геосиёсий муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги Президентимизнинг сўзларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, демократик ислохотлар ва катта тараққиёт йўлини босиб ўтиш учун жамиятнинг барқарорлиги, давлатларнинг хавфсизлиги жуда муҳимдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мушкул. Энг биринчи минтақаларда ва аввало Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилмоқ бунинг учун эса бир ёқадан бош чиқармоқ зарур.

**II боб. “Жамият” газетасида Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари:  
таҳлилларда экологик мавзунинг устуворлиги**

**2. 1. Ўзбек-тожик муносабатларида экологик муаммо муҳим  
геосиёсий омил сифатида.**

Ҳозир, XXI аср бўсағасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб бормоқда. Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини эътироф этган. Асрларга туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқда.

Экологик ҳавфсизлик муаммоси аллақачон миллий минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айаланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.<sup>12</sup>

Ҳозирда Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларининг кескинлашувига сабаб бўлаётган “Тожикистон алюминий компанияси” ва Роғун ГЭСи асосий экологик муаммо сифатида дунё диққат марказида турибди. Бу борада оммавий ахборот воситалари кенг ва атрофлича ёритилмоқда.

---

<sup>12</sup> И. А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент “Ўзбекистон” 2003йил. 103-бет

Барчамизга яхши маълумки, кўп йиллардан буён Ўзбекистон билан Тожикистон муносабатларида экологик муаммоларнинг юзага келиши жиддий мунозараларга сабаб бўлмоқда. Буни Роғун ГЭСи мисолида яққол кўриш мумкин. Би Би Сининг маълумотларига кўра, Тожикистон Республикаси ўзини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида Роғун ГЭСини куриши зарурлигини таъкидлаб келади. Асосий сув томирлари Қирғизистон ва Тожикистонда бўлган Ўзбекистон эса бу улкан лойиҳа ўз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши, мамлакат қишлоқ хўжалиги сувсиз қолишини айтиб Роғун ГЭСи лойиҳасига қаршилигини билдирмоқда. Айни чоғда Ўзбекистон бу лойиҳанинг халқаро экспертизадан ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда<sup>13</sup>.

Ушбу экологик муаммо кун сайин жиддий тус олиб бормоқда. Бироқ, Тожикистон Роғун ГЭСини катта муаммо сифатида кўришаётганини Тожикистон Республикаси қораламоқда ва буни ҳеч бир мамлакатга экологик таъсири йўқлиги билан оқлашмоқда. Буни би би си мухбирининг зилзилашунос олим Георгий Ташваков билан қилган суҳбати мисолида кўриш мумкин:

**Георгий Ташваков:** Бутун Тожикистон турли балл ва магнитудада доимо зилзилалар юз бериб турувчи сейсмик районда жойлашган. Нурек ГЭСи жойлашган ва Роғун ГЭСи жойлашак минтақада 8 баллдан 9 баллгача ер силкиниши имкони бор.

**Би-би-си:** Шундай экан, Роғун ГЭСининг ушбу минтақада қурилиши қанчалар хавфсиз деб айта оласиз?

**Георгий Ташваков:** Нурек ГЭСи 40 йилдан буён ишляпти. Бу давр ичида турли даражада юзлаб ел силкинишлари бўлди. Бу минтақада ҳаттоки 7 балли зилзила ҳам бўлган. Шунга қарамасдан, Нурек ГЭСига ҳеч қанақа дарз кетгани йўқ, аввал қандай ишлаган бўлса, ҳозир ҳам шундай ишлаб турибди. Роғун ГЭСи ҳам ўз конструкцияси бўйича Нурек ГЭСининг ўзгинаси. Шунинг учун унинг Нурек сингари нуқсонсиз ишлашига ишончим комил. Бундан

---

<sup>13</sup> [www.bbc.co.uk/uzbek/topics](http://www.bbc.co.uk/uzbek/topics)

ташқари Роғун ГЭСи дарвозаси жойлашган ерда ҳеч қачон қучли ер силкинишлари қайд этилмаган. Энг муҳими, лойихага асосан, Роғун ҳам Нурек сингари маҳаллий шағалли тошлардан барпо этилади. Бу шаклда қурилган ГЭСлар ўз эластиклиги ва қайишқоқлиги туфайли ҳар қандай зилзилага дош бера олади. Бунга мен ҳеч шубҳа қилмайман. Айни соҳада ишлайдиган аксар олимлар ҳам бунга шубҳа қилишмайди. Шубҳа фақат ГЭС қурилишини истамаганлардагина бор, холос.

**Би-би-си:** Аммо Ўзбекистон ҳукумати айнан мана шу хавотирлар туфайли, яъни Роғун ГЭСининг сейсмик хавфли жойда қурилиши мумкинлиги туфайли, ГЭС қурилишига қарши чиқаяпти... Расмий Тошкентнинг бу хавотирларини асоссиз деб биласизми?

**Георгий Ташваков:** Аммо уларнинг қарашлари нимага асосланган? Мен яна бир марта такрорлайман: Нурек ГЭСи 40 йилдан буён ишляпти. Нурек ГЭСи орқали на сув фильтрацияси ўзгарди ва на тўғон конфигурацияси ўзгарди. Ҳеч қандай деформация қайд этилгани йўқ. Яна қандай исбот керак Ўзбекистон ҳукуматига?!

**Би-би-си:** Лойиха бўйича Роғун ГЭСи неча балли ер силкинишига дош бера олади?

*Георгий Ташваков: Тўққиз баллга бемалол дош бера олади.*

**Би-би-си:** Дунё тажрибасида ҳам ГЭСлар 9 баллик ер силкинишига дош бера олиши керакми?

**Георгий Ташваков:** Дунё тажрибасида қандайлигини мен билмайман. Умуман дунё бўйича олганда ҳеч ким 10 балга дош бера оладиган бирор нарса қурмайди. Ўн балли ер силкиниши бу - қиёмат-қойим дегани. Лекин дунёнинг бирор жойида 10 балли зилзила рўй бергани йўқ. Магнитудаси олти баллик ер силкинишлари бўлиб туриши Тожикистон учун одатий ҳол. Душанбе шаҳри ҳам Нурек ва Роғун сингари айни ҳудудда жойлашган. Яна бир мисол: Помирдаги Сарез кўли 1911 йилда Бартанг дарёсининг издан чиқиши оқибатида юзага келган. У ҳам тош-шағалли тўғон. У ерда бир аср ичида юзлаб

зилзилалар юз берди. Лекин, Сарез кўли ҳеч қандай ўзгаришларсиз турибди. Роғун ГЭСи ҳам тошлар билан мустаҳкамланади, темир бетонлар билан эмас. Зилизилалар юз берган пайтда бундай тўғонлар бузилмайди, аксинча янада мустаҳкамлашади.

Георгий Ташваковнинг сўзидан келиб чиқмоқдаги Роғун ГЭСининг кўшни мамлакатларга ҳеч қандай таъсири йўқ. Ўзбекистон мутахассислари эса бу фикрларга ўз норозилигини билдирдиши ва буни инкор этиши турган гап. Шу билан бир қаторда иншоотнинг салбий оқибатлари нафақат мамлакатимизда балки, кўшни мамлакатларга ҳам таъсир этишини таъкидламоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари атрофлича кенг ёритмоқда. Юқоридаги суҳбатдан келиб чиқиб зилзилашунос олим Георгий Тошваковнинг сўзлари нечоғлик хато эканлигини “Жамият” ижтимоий сиёсий газетасининг 2011 йил 15 апрел санасида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Абдурушид Артиков “Роғун ГЭСи — ўрта Осиё учун қазилаётган ҳалокатли чоҳ” мақола мисолида кўриш мумкин. “Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, Роғун ГЭСи сейсмик жиҳатдан фаол, тез-тез зилзила, сел ва кўчкилар бўлиб турадиган хавфли ҳудудда қурилмоқда. Сўнгги 110 йил ичида бу ерда 20 дан зиёд 8-9 балли кучли зилзилалар рўй берганлиги тўғрисида асосли далиллар мавжуд. “ўрмонга ўт кетса, ҳўл-қуруқ баробар ёнади”, дейди халқимиз. Агар 12 миллиард куб метрдан зиёд сувни тўплашга мўлжалланган Роғун ГЭСида қурилаётган сунъий тўғон зилзила туфайли дарз кетгудек бўлса, Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва Ўзбекистон 1,5 миллион гектарлик ер майдонлари, 5 миллионга яқин одам истиқомат қилаётган 700 дан ортиқ аҳоли пунктлари бир неча соат ичида сув остида қолади. Пировардида қанчадан-қанча кишилар қурбон бўлади, бошпанасидан айрилади,

трансчегаравий ҳудуддаги давлатларнинг иқтисодиёти издан чиқиб, бартараф этилиши қийин бўлган турли муаммолар авж олиб кетади”<sup>14</sup> деб ёзади.

XXI асрда ўзбек-тожик муносабатларида ушбу муаммоларнинг нечоғлик долзарб эканлигини кўрсатиб турувчи яна бир мақолага эътиборимизни қаратсак. “Жамият” газетасининг 2011 йил 4 ноябрь № 41 сонидида чоп этилган “Баёотлар билан амалий ишлар бир-бирига зид келганда” номли мақолада қуйидагилар ёритилган: “Роғун ГЭСи лойиҳаси билан таниш бўлганлар учун сир эмаски, баландлиги 335 метрлик улкан тўғон қурилиши учун танланган майдон ер қобиғининг сейсмотектоник ёриғида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда ер қатламининг силжиши кузатилади ҳамда ювилиб кетиш эҳтимоли кучли бўлган қалинлиги қарийб 100 метрни ташкил этувчи улкан туз қатлами мавжуд.

Табиийки, бундай сабаблар, бошқа кўпчилик сингари, экспертиза ўтказаяётган халқаро консорциум мутахассисларида ҳам лойиҳанинг хавфсизлиги борасида жиддий шубҳа уйғотмоқда. Хусусан, тўғон барпо этилиши мўлжалланаётган жой — майдон сейсмотектоник ёриғида, туз қатлами устида жойлашганини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ҳудуднинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини текширмасдан туриб у ерда тўғон қуриш ҳақида ўйлашнинг ўзи ҳам мантиққа зиддир. Боз устига, Роғун ГЭСини барпо этиш кўзда тутилаяётган зона Рихтер шкаласи бўйича 8-10 балли зилзилалар тез-тез содир бўладиган сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Экспертларнинг бундай асосли ва қонуний талаблари Тожикистон томонидан қўйилаётган турли тўсиқларга дуч келмоқда. Чунончи, Тожикистон томони экспертиза жараёнида разведка бурғиладиган ишларини истисно этишга жон-жаҳди билан уринмоқда. ўз навбатида, бу халқаро консорциум экспертлари билан Тожикистон ҳокимият органлари ўртасида жиддий келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда.<sup>15</sup>

<sup>14</sup> Абдурушид А. “Роғун ГЭСи — ўрта Осиё учун қазилаяётган ҳалокатли чох”. “Жамият” газетаси. 2011 йил 15 апрел. №15 (236)

<sup>15</sup> “Баёотлар билан амалий ишлар бир-бирига зид келганда”. “Жамият” газетаси. 2011 йил 4 ноябрь № 41 сони

Роғун ГЭСи келтирадиган хавфларни айтиб ўтарканмиз, унинг Ўзбекистонга, қўшни давлатларга қолаверса Тожикистон экологиясига, биохилма-хиллигига ҳамда миллионлаб одамлар истиқомат қилаётган жойларга етказадиган таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Маълумотларга кўра Лойиха бўйича 14 куб километр сиғимга эга сув омборини тўлдириш учун 8 йил керак бўлади. Бу вақт ичида Амударё оқими кескин ўзгариб, унинг қуйи қисмидаги ҳудудларда узок йиллар қурғоқчилик юзага келади. Роғун сув омбори тўла қувват билан ишга тушса сув омборидан катта миқдорда сув чиқарилиши оқибатида тошқинлар бўлиши, ботқоқланиш ва сув босиши юз минглаб гектар серхосил ерларни яроқсиз ҳолга келтириш билан ўз навбатида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг миллионлаб аҳолисини танг аҳволга солиб қўяди. Бу ҳам етмагандек тақчиллиг ва қурғоқчилик натижасида Амударё суви Оролбўйи ҳудудларига деярли етиб бормайди, бу эса глобал миқёсдаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий фалокатнинг янада ёйилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, Марказий Осиёнинг сув энергетика муаммоларига учинчи давлатнинг аралашувини маъқул кўрмайди. Ўзбекистон БМТ конвенцияларига биноан трансчегаравий дарёлардаги барча гидроэнергетика лойиҳаларини (Тожикистон Роғун ГЭСи, Қирғизистондаги Қамбарота-1, Қамбарота-2 ва ҳокозо) БМТ шафелиги остида халқаро экспертизадан ўтказиш нуктаи назарини қайбый илгари суради.<sup>16</sup>

Айни вақтда Ўрта Осиё сув иншоотларидан оқилona фойдаланишни талаб этади. Бунинг учун хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилona йўл деб билади. Бироқ, “Кичик гидростанциялар энергитик муаммоларни ҳал қила олмайди. Бунинг учун Роғун гидростанцияси қурилиши лозим. Кичик ва ўрта гидростанциялар қиш пайтида электр тақчиллигини бир қадар камайишига ёрдам бериши мумкин,” - дейди “Барқи тожик” ширкатининг муҳандиси Рашид Гулов.

---

<sup>16</sup> И.Каримовнинг БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа Тошкент-2010. 34-бет.

Шу ўринда яна бир мақолага эътибор қаратсак, 2011 йилнинг 21 октябр санасида “Жамият” газетасининг Жаҳон ахборот агентлиги берган “Роғун сув иншооти қурилиши - халқаро ҳуқуқнинг қўпол равишда бузилишидир” сарлавҳали мақоласида ҳам Тожикистон томонидан Роғун сув иншооти қурилишининг олиб борилиши ҳолатида Ўрта Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган давра суҳбати таҳлил этилган бўлиб, экологик муаммоларга бош сабаб сифатида инсонларнинг эътиборсизлиги ва давлат манфаатдорлигининг саноат билан боғлиқ шаклини келтиради: “Сув ресурсларининг ҳар қандай сунъий қайта тақсимланиши нафақат ҳосилдор ерларнинг йўқотилишига, балки жанубий ҳудудларнинг муқаррар равишда чўлга айланишига олиб келади. Бутун минтақа учун иқлимий оқибатларни ҳам ёддан чиқармаслик лозим”, деди тадқиқотчи олим Владимир Юденко ўз нутқида.

Эксперт ўз чиқишининг сўнггида бундай гигант иншоотлар бир неча давлатларнинг экологик, иқтисодий ва ҳаётий манфаатларига алоқадор бўлишини, шу боис у пухта лойиҳалаштирилиши ҳамда тегишли халқаро ташкилотлар томонидан иншоот ишончли ва мустаҳкамлигининг кафолати олинishi лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Қатор атом электр станцияларидаги, шунингдек, Саяно-Шушенск ГЭСидаги фожеали воқеаларидан сўнг жаҳон ҳамжамияти бунга ўхшаш лойиҳаларга эҳтиёткорлик билан ёндашмоқда” деб ёзади.

Қизиғи шундаки, Роғун ГЭСи қурилишини молиялаштириш масалалари, шунингдек, катта миқдорда маблағ сарфлашни талаб қиладиган мазкур қурилишни амалга ошириш имконини бермайдиган мамлакатдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳвол Тожикистон раҳбариятини мутлақо ташвишга солаётгани йўқ. Мамлакатда техник-иқтисодий асоси ҳали охиригача етказилмаган ушбу лойиҳа тинимсиз тарғиб қилинмоқда. Халқаро экспертларнинг қатъий эътирозларига қарамай, экспертларнинг яқуний ҳулосасини кутмасдан, шу йилнинг ўзида Роғун ГЭСи қурилишининг биринчи

босқичини, яъни тўғоннинг 120 метрлик қисмини қуриш ва бу билан бутун халқаро ҳамжамиятни мураккаб аҳволда қолдириш истаги Тожикистон раҳбариятининг бошини айлантириб қўйган.

Маълумотларга кўра, Тожикистон ҳукуматининг масалага бундай ёндашишининг сабаби эронлик пудратчилар Тожикистон раҳбариятига маъқул келадиган хулосани беришига ишончи катта.<sup>17</sup>

Аммо, Тожикистон Республикасининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича асоссиз ва бир томонлама позицияси, Жаҳон банкининг лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси бўйича якуний хулосаларни олмагунча ГЭС қурилишини бошламаслик ва ҳеч қандай ишларни амалга оширмаслик зарурлиги тўғрисидаги тавсияларини Тожикистон томонининг бажармаётгани вазиятни янада мураккаблаштирмоқда ҳамда экспертизани давом эттириш мақсадга мувофиқлигини шухба остига қўймоқда. Маълумотларга кўра, Роғун ГЭСи қурилиши ишларини фаоллаштириш учун қўшимча ишчи кучини сафарбар этиш давом этмоқда. Ҳозир у ерда қарийб 2,5 минг киши қурилиш ишларига жалб қилинган.

Маълумотларга кўра, хорижий мамлакатлардан Тожикистон банкларига аллақерларда қандай йўл билан бўлмасин орттирилган пулларни ўтказиш таклиф этилмоқда. Бунда, қонунга биноан Тожикистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг хорижий мамлакатлар банкларидан мамлакат банкига 2011 йилнинг 31 декабригача ўтказилган пул маблағлари қонуний ҳисобланади ва бу маблағлар уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳар қандай солиқлар ҳамда тўловлардан озод этилади. Бундан ташқари, Тожикистон банкларига ким ва қаердан пул ўтказгани тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқ махфийлиги таъминланади.<sup>18</sup>

Шундай қилиб, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши оқибатида катта миқёсдаги қурғоқчилик, очарчилик, касалликлар тарқалиши

---

<sup>17</sup> “Ақл-идрок ва мантиққа зид хатти- ҳаракатлар”. “Жамият” газетаси. 2011 йил 14 октябрь № 39 (260)

<sup>18</sup> Рустам Абдуллаев “Роғун ГЭСи атрофидаги фирибгарликлар. Қурилиш учун сарфланаётган ҳақиқий молиявий манбалар ошкор бўлмоқда” “Жамият” газетаси. 2011 йил 26 август

юзага келади, натижада, Амударёнинг қуйи қисмида яшаётган миллионлаб одамлар бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлади.

Халқаро экспертиза ўтказиш — бу, албатта, адолатли ва тўғри қарор. Бироқ экспертиза ўтказишнинг бундай технология ва тартибларини мутлақо қабул қилиб бўлмайди. Зеро, «Кимнинг аравасига ўтирсанг, ўшанинг қўшиғини айтасан», деб бежиз айтилмаган.

Юқорида таъкидланганидек ўзбек ва тожик муносабатларин кескинлашувига сабаб бўлаётган яна бир ҳолат бу - “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасидир.

Маълумки, экологик муаммоларни мавжудлиги маълум минтақанинг, ҳудуднинг ўзига хослиги билан характерланади. Жумладан, Сурхондарё вилояти ҳам шундай ўзига хос экологик муаммога эга бўлган ҳудуддир. Алюминий заводи 1975 йилда Турсунзода шаҳри ҳудудида, яни Ўзбекистон чегарасидан 10 километр нарида ишга туширилган. Унинг қуввати йилига 517 минг тонна алюмин ишлаб чиқаришдан иборатдир. Алюминий заводи водород фториди, олтингугурт ангидриди, азот оксидлари, углерод оксиди ва бошқа заҳарли моддаларни ҳавога чиқинди сифатида чиқармоқда. Келинг, профессор Сщукур Хуррамовнинг тадқиқотларини кўздан кечирайлик. Бир тонна бирламчи алюмин ишлаб чиқариш учун 33-47 кг фтор сарф қилинади ва ундан 65 фоизга яқин водород фториди атмосферага тарқалади. Бу завод 1989 йилда 460 тонна маҳсулот ишлаб чиқарган. Демак, завод шу йилнинг ўзида 500 тоннага яқин фторид кукунини атмосферага “совға” қилган. Кузатувлар шуни кўрсатдики, тупроқда-2.7, пиёзда-29.6, сутда-14.9, сабзида-22.8, олмада-23, буғдойда-5.5 фоиз шундай бирикмалар бор экан. Вилоятдаги маъсул идоралар ходимлари 2005 ва 2006 йилнинг август ойларида Узун, Сариосиё, Денов туманларида экологик ҳолатнинг ниҳоятда оғир эканлигини кўриб чиқдилар. Ҳозирги вақтда бу завод мўриларидан чиқаётган заҳарли газ тутунлари ҳаттоқ

и Олтинсой, Жарқўрғон туманлари ҳудудларигача етиб келган. 2006 йилда “Русский алюминий”Русал) компаниясининг бош директори Олег Дерипаска жаноблари бу ҳудудга ташриф буюрди. У бир дунё ваъдаларни берди. Аммо ваъда ваъдалигича қолди. Энг ачинарлиси ташрифдан сўнг Тожикистон Республикасининг Хатлон вилоятида янги алюмин заводини куриш ишлари жадал бошлаб юборилди. Завод мўриларида хавога кўтарилаётган заҳарли моддаларни шамол айнан ўша чегарадош туманлар ҳудудига заҳарли моддаларни ҳайдаб келмоқда. Атмосфера ва тупроқнинг булғаниши оқибатида нафақат иқтисодий, ҳатто одамлар саломатлигига ҳам зарар этмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, Тожикистон алюмин заводидан чиқаётган зарарли водород фторид моддаси Сурхондарёда меёрдагидан 2,5 баробаргача юқори бўлиб қолмоқда. Натижада касаллик ортиб борапти. Жумладан, 2005 йилда аёллар ўртасида анемия 68,1 фоиз, бўқоқ 3,6 фоиз, ошқозон-ичак касалликлари 5,5 фоиз кўпайган., деб хабар беради Озодлик. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, Тож алюмин заводи сингари қувват билан ишлайдиган алюминий заводини атроф муҳитга зарар етказмайдиган даражага келтириш, яни хавога чиқарилаётган заҳарли чиқиндиларни филтрлаб қоладиган ускуна ўрнатиш учун \$1 миллиарддан кўп маблағ керак бўлар экан. Россиянинг «РУСАЛ» компанияси Тожикистондаги ГЕСлар ва ТожАЗнинг ўзини қайта реконструкция қилиш учун зикр этилгандан ҳам камроқ маблағ ажратаётганини, Тожикистон бюджетига эса бундай мақсадлар учун ажратиш мумкин бўлган маблағнинг ўзи ёқлигини ҳисобга олсак, вазият ўз-ўзидан ойдинлашади.

Тожикистон расмийлари ҳам, мустақил синчилар ҳам ана шу ҳақиқатни тан олгиси келмайди-да, Ўзбекистон жамоатчилиги хавотирини сиёсий босим ўтказиш тараддуди сифатида баҳоламоқчи бўлади. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун Озодлик мулоҳазаларига қулоқ тутамиз: “Тожикистон ҳукумати эса фуқароларнинг алюминий заводи хусусида Ўзбекистонда шовқин кўтарилаётгани ортида сиёсий сабаблар ётганини айтмоқда”.

Аммо ўша Озодликка интервью берган Тожикистонлик мустақил синчи Абдуғани Мамадазимов ҳам бу экологик муаммога Ўзбекитон сиёсий тус бераётганини айтади. Расмий позисия билан оддий синчининг фикри бир жойдан чиқаётганини тасодиф деб бўлармикин? Жаноб Мамадазимов совет даврида ҳам ТожАЗ муаммоси қайта-қайта кўтарилганидан беҳабарга ўхшайди. Акс ҳолда аҳвол Ўзбекистон ҳукумати бўрттириб кўтараётган даражада эмас, деб айтмаган бўлар эди.

Агар Тожикистон алюминий заводи яна тўлиқ қувват билан ишлайдиган бўлса, жаноб А.Муҳаммадазимовга ўхшаб, муаммо ҳақида экологик фалокат ҳақида гапириш керак бўлади. Ўзбекистонда бу масалани, Тожикистонликлар иддао қилаётгандай, сиёсатчилар эмас, мутахассислар, хусусан, метереологлар, врачлар, экологлар, қолаверса, жамоатчилик кўтармоқда ва муаммо ҳал бўлмагунча ўтаверади.

Бу муаммони ҳал этиш учун мамлакатимизда ҳам маълум чора тадбирлар кўрилмоқда. 80 йилларнинг бошларида қўшни Тожикистонда алюмин заводи ишга туширилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг Сурхандарё вилоятларига қарашли кўплаб туманларида экологик жиҳатдан танг аҳвол вужудга келди. Завод атмосферага кўп миқдорда фиторли водород, углерод оксиди, олтингугурт гази, азот оксидларини чиқариб ташламоқда. Водийнинг юқори қисмида, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий томонга эсадиган шамол билан ундан узоқларга, асосан республиканинг чегарадош туманлари - Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари ҳудудига тарқалмоқда.<sup>19</sup>

Мазкур завод йилига 20 миллион киловатт-соат электрэнергия истеъмол қилади ва бир йилда 300 минг тонна алюминий ишлаб чиқаради. Корхонасининг атмосферага зарарли ташланмалари боис атроф-муҳит ифлосланиши оқибатида минтақадаги экологик вазият тобора ёмонлашмоқда.

---

<sup>19</sup> И. А. Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Тошкент “Ўзбекистон” 2003йил. 117-118 бетлар

Маълумотларга кўра, корхона йилига атмосферага 22 минг тоннага яқин захарли моддалар, шу жумладан, инсон саломатлиги, атроф-муҳит учун ўта хавфли ва зарарли ҳисобланган 120 тонна фторли водород чиқаради. Бундай захарли моддаларнинг анчагина қисми сутканинг 18-19 соати давомида шамол билан Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманлари ҳудудига етиб келади”.<sup>20</sup>

“Жамият” газетасининг 2011 йилнинг 16 декабр санасида “Трансчегаравий экологик фожиалар” номли Тождидин Қамаровнинг мақоласида ҳам ушбу муаммонинг аҳоли саломатлигига ва бир қатор экологик фожиаларнинг келиб чиқаётганлигига сабаб бўлаётганлиги айтиб ўтилган.

“Бу туманларнинг аҳолиси сутканинг 18-19 соати давомида экологик нуқтаи назардан ифлос, ишлаб чиқариш мўриларидан ташланаётган таркибида инсон саломатлиги учун хатарли бўлган фторли водород ва бошқа қўшилмалар мавжуд бўлган ҳаводан нафас олишга мажбур бўлмоқда. Оқибатда «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси ташланмаларининг бевосита таъсир доирасидаги туманлар аҳолиси эндокрин ва суяк-бўғин тизими, нафас олиш йўллари, туғма ногиронлик, флюороз ва онкологик касалликлардан борган сари кўпроқ азият чекмоқда.

Маълумки, алюминий олиш жараёнида фторли водороддан ташқари, катта миқдордаги углерод ва олтингугурт оксидлари каби захарли газлар ажралиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, инсонда йирингли бронхит, ўпка шамоллаши, бош айланиши, мигрень, қон босимининг ошиши каби касалликларни келтириб чиқаради. Бундай захарли ташланмалар, айниқса, бўлажак оналарнинг саломатлиги учун ўта хавфлидир. Фторли қўшилмаларнинг юқори даражада тўпланишининг захарли таъсири инсоннинг таянч-ҳаракат нуқталари патологияси шаклланишига, айниқса, аёлларнинг тос-бел бўғинларида кальций миқдорининг ошишига сабаб бўлмоқдаки, бу ўз навбатида, уларнинг туғруқ даврида турли даражадаги асоратларни

---

<sup>20</sup> Олтиной Комилова “Келажакни асрашимиз шарт”. “Жамият” газетаси. 2011 йил 10 декабр. № 47- 48

қолдирмоқда. Бунинг натижасида чақалоқлар жароҳатланган мия шоли касаллиги, турли хил бел-мия чурраси, юқори ва пастки жағдаги нуқсонлар ҳамда бошқа жароҳатли касалликлар билан дунёга келаётир. Тиббий кўриклар натижалари минтақадаги мактабгача 6 ёшдаги болаларнинг 36,5 фоизи жисмоний ва ақлий ривожланишдан орқада қолаётганини кўрсатмоқда”, деб ёзади.

“Жамият” газетасининг 2011 йил 29 июль куни чоп этилган Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси, профессор Саидрасул Сангинов муаллифлигидаги “Аниқ далилларга таяниб иш кўрган афзал” мақоласида Ўзбекистон-Тожикистон минтақаларидаги экологик муаммоларнинг кўпёқлама таҳлили келтирилган бўлиб, бунда асосий эътибор аниқ далил ва фактлар асосида хулоса чиқаришга, ҳар бир зиддиятнинг туб негизида ётган асл моҳиятни англашга кўмак беради. Мақола мукаддимасида келтирилган ушбу фикрлар сўзимизнинг исботидир: “Яқинда оммавий ахборот воситаларида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) вакилининг баёноти эълон қилинди. Унда “Тожикистондаги алюминий заводи дарёнинг куйи оқимида жойлашган ҳудудлар, айниқса, Ўзбекистон учун жиддий муаммолар туғдираётгани” қайд этилди. Бу Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида юзага келган вазиятга берилган ҳолисона баҳодир.”<sup>21</sup>

1994 йилнинг 17 ноябрида Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи фаолияти салбий таъсир кўрсатаётган ҳудудлардаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Афсуски, битимда кўзда тутилган қатор тадбирлар айнан Тожикистон томонидан ҳалигача бажарилмай келмоқда.

Эколог олимлар ва мутахассислар томонидан ушбу ҳудуд атроф-муҳитида фторидларнинг тўпланиши туфайли ҳайвонот ва ўсимлик оламининг таназзулга учраши, мутациянинг пайдо бўлишига олиб келиши исботланган.

---

<sup>21</sup> Саидрасул Сангинов “Аниқ далилларга таяниб иш кўрган афзал”. “Жамият” газетаси. 2011 йил 29 июль. № 29.

Фторли бирикмалар аҳоли ўртасида флюороз касаллигининг тарқалишига сабаб бўлмоқда, суяк-мушак, нафас олиш эндокрин тизимларининг меъёрида ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳудудда чақалоқларнинг туғма нуқсонлар билан дунёга келиши тобора кўпаймоқда. Корхона таъсир доирасидаги ҳудудда йилдан-йилга турли касалликларнинг, муддатида олдин туғиш ва ҳомила тушиб қолиши, туғма мажруҳлик ва ўлик туғилиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани, айникса, жиддий ташвиш уйғотади.

Кенг кўламдаги эколониқ танглиқ таҳдидини барҳам топтириш, сайёрамиз аҳолиси учун, жисмонан соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун соф экологик муҳитни яратиш жуда зарур.

## **2.2. Давлатлараро муносабатларнинг журналистик таҳлили: экологик йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Маълумки, ҳар қандай давлат тараққиёти уч асосий омилга иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳимоя ва экологик хавфсизликка боғлиқ. Бугунги кунда сайёрамизда экология масаласи кун тартибидаги энг долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки асрлар оша табиат ва унинг бойликларидан фақат инсон манфаати учун бир ёқлама фойдаланиш оқибатида экологик мувозанат бузилиб, дунёнинг деярли барча давлатларида у ёки бу даражадаги экологик муаммолар юзага келди.

Асрлар мобайнида тарихий, маданий ва маънавий жиҳатдан бир халқ бўлиб яшаб келган Марказий Осиё аҳолиси бир қатор ташқи ва ички таъсир оқибатида бугун бир қатор муаммоларни инсонпарварлик ва адолат нуқтаи назардан ҳал этишни тақозо этмоқда. Жумладан, кейинги пайтларда Тожикистон ва Қирғизистонда қурилаётган гидротехник иншоотлар ва Амударё билан Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаётган Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон халқлари манфаатларини чеклаб қўйишга қаратилган ҳаракатлар жиддий равишда дунёвий мунозарага айланди.

Халқаро журналистиканинг туб моҳияти ана шу муаммо атрофидаги мунозаралар доирасида кўзга яққол ташланади. Турли манфаатдор мамлакатлар журналистлари, ОАВ ходимлари мазкур муаммони ўз мамлакатлари манфаатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилишга ҳаракат қилишмоқдаки, бу бевосита мунозаралар жарёнида миллий манфаатларнинг айрим ҳолатларда адолатдан узоқлашган, бошқа халқларнинг манфаатларини менсимаслик асосига қурилганлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиёда экологик хавфсизликни ҳал қилиш бўйича БМТ Тараққиёт Дастури, Европа иқтисодий комиссияси, Америка иқтисодий тараққайёт агентлиги (ЮСАИД) каби халқаро ташкилотларнинг иштироки яққолроқ сезилмоқда.

Марказий Осиёдаги ушбу муаммо Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидан ўтувчи трансчегаравий дарёларда янги гидротехника иншоотларини барпо этиш масаласини минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларини инобатга олган ҳолда ва комплекс тарзда ўрганилиши, конфликтологик таҳлил этилиши муҳимлигига эътибор қаратилишига ундамоқда. Бунда хусусан, Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан фойдаланишида халқаро меъёрларга мос равишда минтақадаги 50 миллион аҳолининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш зарурати алоҳида қайд этилиши жоиз. Яна бир томони, таҳлилларда Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда минтақа давлатлари учун халқаро сув оқимларидан фойдаланиш тажрибаси қўл келиши мумкинлиги тўғри башорат қилинмоқда<sup>22</sup>.

Айниқса, катта стратегик ўйинчилардан бўлмиш Россия Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишда ўзининг кўп томонлама иштирок этишини қайта-қайта илгари сурмоқда.

Натижада Марказий Осиё минтақасида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари ўз-ўзидан конфликтологик таҳлилнинг долзарб йўналишига айланмоқда.

Сув инсон, табиат ва жамият учун ҳаётий заруратдир. Айни пайтда, энергияни турли манбалардан олиш мумкин. Табиат мажмуининг асосини сув ташкил этгани сабаб, унинг бузилиши улкан экологик офатларни келтириб чиқаради ва буни айрим лойиҳалардан келадиган вақтинчалик фойда билан ҳеч ҳам солиштириб бўлмайди.

Маълумки, Амударё ва Сирдарё сув ҳавзалари Марказий Осиё давлатлари сув таъминоти ва фаровонлигини таъминлайдиган яхлит организмдан иборатдир.

Минтақа сув ресурсларининг қарийб 70 фоизи Тожикистон ва Қирғизистондаги музликлар ва қорли тоғ чўққиларида ҳосил бўлади. Ўзбекистон ҳудудида шаклланувчи сув ресурслари Амударё ҳавзаси бўйича 6

---

<sup>22</sup> Ж. Мирзааҳмедова. Табиатга завоъл. “Миллий тикланиш” газетаси. 2010 йил, 3 март.

фоиз, Сирдарё ҳавзасида эса 16 фоиз бўлиб, минтақа бўйича умуман олганда 8 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, аҳоли сони энг кўп бўлган Ўзбекистон иқтисодиёти, айниқса, қишлоқ хўжалиги катта сув сарфини талаб қилади ва Ўзбекистон сув ресурсларининг энг кўп қисми, яъни 43 фоизидан фойдаланади.

Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлардан фойдаланишдаги асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:<sup>23</sup>

- Дарёларнинг юқори оқим қисмларидаги гидроэнергетика ривож.
- Қуйи оқимда жойлашган ҳудудлардаги сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши.
- Сувнинг коллектор–дренаж оқавалари билан ифлосланиши.
- Сув ресурслари шаклланишидаги ноаниқликлар, яъни мониторинг олиб боришнинг мураккаблашганлиги.
- Орол денгизининг қуриб бориши, Оролбўйидаги экологик ва ижтимоий муаммолар.
- Сув ресурслари бошқарувида ҳамон давом этиб келаётган камчилик ва номутаносибликлар (сув сарфининг юқори даражадалиги).

Сўнгги йилларда бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистонни сув билан таъминловчи Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида йирик ГЭСлар қуриш масаласида баҳслар қайта бошланганлиги муносабати билан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.<sup>24</sup>

Шу ўринда Тожикистон Роғун ГЭСи мамлакатлар ҳаётидаги катта экологик муаммо сифатида диққат марказда турибди. Бу борада Давлатлараро муносабатларда журналистларнинг нуқтаи назари ва позицияси жуда етакчи ўрин эгаллайди. Экологик муаммоларни таҳлил этишда журналистлар ҳар бир масалага ўзига хос йўналишлар бўйича ёндошадилар.

Глобаллашув шароитида қайсидир давлатнинг табиатиға, жамиятиға берилган ҳар қандай зарба пировард натижада бошқа давлатларға, курраи

<sup>23</sup>. Бу ҳақда қаранг. Сидорова Л. Государства Центральной Азии: проблемы совместного использования трансграничных водных ресурсов. “Центральная Азия и Кавказ”. 2008. №1. 193-стр.

<sup>24</sup>. Роғун ГЭСи қурилиши бўйича халқаро мустақил экспертиза ўтказилиши зарур. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил, 23 феврал.

заминга салбий таъсир қилади. Бинобарин, доно халқимизнинг «Сув пешонага чиққандан кейин пушаймондан фойда йўқ», деган мақоли ҳам эндиликда бир киши ёки биргина мамлакатга эмас, балки бутун инсониятга дахлдор бўлиб келмоқда. Тожикистон раҳбариятининг енгил-елпи режани амалга оширишга уринаётган хатти-ҳаракатларига ҳам томошабин сифатида жим қараб туриб бўлмайди. Шу муносабат билан минтақа трансчегаравий сув ресурслари манбалари жорий ҳолати ўзгарган тақдирда, 50 миллион киши истиқомат қиладиган Марказий Осиё мамлакатлари бундан ҳам катта миқёсда экологик фалокат билан дуч келишлари мумкинлиги безовталиққа сабаб бўлмоқда. Тарихан сувдан фойдаланиш бўйича вужудга келган тартибга ва сув ресурслари мувозанатига таъсир этувчи лойиҳаларни амалга оширилиши, шубҳасиз, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини ичимлик ҳамда суғориш суви билан таъминлашдаги муаммоларнинг янада чуқурлашишига олиб келади. Ўз-ўзидан тушунарлики, минтақа мамлакатлари иқтисодиёти ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинса, бу қадамларнинг оғир оқибатлари барча минтақа давлатларининг аҳволига таъсир этади. Минтақа давлатларининг бирортаси ҳам бундан мустасно бўлмайди.

Тарихан таркиб топган сувдан фойдаланиш режимига ва сув ресурслари мувозанатига таъсир қилувчи лойиҳаларнинг амалга оширилиши аҳоли ва қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш муаммоларини чуқурлаштириш билан бирга қурғоқчиликни юзага келтиради. Шу нарсани ҳам эътиборга олмоқ лозимки, лойиҳалаштирилаётган гидротехник иншоотларни сейсмик жиҳатдан хавфли зонада қуриш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, йирик гидроиншоотларнинг қурилиши минтақа экологиясига қандай таъсир кўрсатади ва дарёлар оқими сақланиб қоладими, — деган иккита муҳим саволга жавоб берувчи, халқаро мустақил экспертизаси ўтказилгандан кейингина, янги гидростанциялар қурилиши тўғрисида сўз юритиш мумкин эди. БМТ Тараққиёт дастурининг “Марказий Осиё минтақасидаги сув, энергетик ва озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги таҳдидлар ва уларга жавоб бера олиш”га оид ҳисоботида йирик гидроиншоотлар қурилишининг мақсадга номувофиқ

эканлиги таъкидланади ва 20 аср мобайнида Тянь-Шань тоғлари музликлари 25-35 фоизга қисқарганлиги, бу жараён айниқса, 70 йиллардан сўнг кескин равишда кучайганлиги БМТнинг атроф-муҳит дастури ва Бутунжаҳон музликлар мониторинги хизматларининг ҳисоботларига таянган ҳолда келтирилган. Бу ҳолат Орол ҳавзаси дарёларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши билан бирга Тожикистон ва Қирғизистоннинг гидроэнергетика соҳасидаги истиқболларига чек қўйиши ушбу ҳисоботда башорат қилинган. Шундай экан, бугунги кунда барча давлатлар томонидан минтақадаги сув, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги кенг кўламли ишларни йўлга қўйишда баҳамжиҳатликни давр талаб қилмоқда.

Бу йўналишдаги ишларни режалаштиришда Марказий Осиёдаги гидротехник, метеорологик, демографик, иқтисодий ўзгариш ва динамикани моделлаштиришни такомиллаштиришнинг ўткир зарурияти юзага келмоқда.

Минтақа юқори сейсмик зонада жойлашганлиги муносабати билан Амударё ва Сирдарё юқори қисмларида янги гидроиншоотлар қурилиши келгусида катта хавфга замин бўлиши турган гап. Шунга қарамасдан, бундай қурилишларни амалга оширишга бўлган интилиш кейинги йилларда фаоллашмоқда.

Шунинг учун трансчегаравий дарёларнинг сув оқимидан фойдаланиш, шу жумладан гидротехник иншоотларни қуриш тўғрисида ҳар қандай қарорлар қабул қилинганида барча давлатларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, атроф-муҳитга зарар етказмаслик, лойиҳаларнинг экологик жиҳатдан асосланганлиги қатъий талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқиловга йўллаган очиқ хатида Роғун ГЭСи қурилишини давом эттиришдан аввал лойиҳанинг ўзини батафсил мустақил экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланган эди. Чунки, ушбу лойиҳа бундан қарийб 40 йил олдин — эскирган лойиҳавий, конструкторлик ва технологик ечимлар асосида ишлаб чиқилган.<sup>25</sup> Роғун ГЭСи

---

<sup>25</sup>. Оқилона йўл излаш лозим ёки сув ресурслари зиддиятларига сабаб бўлмасин. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил, 2 март.

каби кўлами жиҳатидан ғоят улкан иншоотлар барпо этишдан аввал уларнинг келтириб чиқариши эҳтимоли бўлган оқибатларни холисона ва малакали баҳолаш даркор. Бунда, аввало, қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш керак:

- ушбу лойиҳанинг Орол ҳалокати оқибатларида минтақамизда юзага келган заиф экологик мувозанатга етказиши мумкин бўлган зарарни аниқлаш;
- ушбу лойиҳанинг Амударёда сув оқими ҳажми ва тартибининг ўзгаришига кўрсатадиган таъсирини инобатга олиш керак. Чунки кескин континентал чўл иқлими шароитида мазкур минтақада яшаётган миллионлаб одамларнинг тақдири, айниқса, мунтазам такрорланиб турадиган сув тақчиллиги даврида ичимлик ва суғориш сувларининг миқдорига бевосита боғлиқ эканини назарда тутиш лозим;

Ушбу лойиҳанинг техноген таҳдидлар, биринчи навбатда, кучли zilzilalar хавфидан нечоғлиқ ҳимояланганлик даражасига эътибор қаратиш лозим. Чунки Роғун ГЭСини қуриш мўлжалланаётган жой тектоник ёрилиш линиясида, яъни бир неча марта 10 балли кучга эга бўлган zilzilalar рўй берган юқори сейсмик ҳудудда жойлашган. Мазкур лойиҳа амалга ошадиган бўлса, табиий офат туфайли тўғонлар ўпирилиши оқибатида юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши билан боғлиқ бўлган гуманитар фалокат кўламини тасаввур этишнинг ўзи оғир. Яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Ўзбекистонда ислохотларнинг барча йўналишлари сингари қонунчилик тизимида ҳам масалаларни босқичма-босқич ўрганиш ва ҳал этиш тамойили устиворлик қилади. Бу парламент ҳаётидаги изчилликдан, доимий равишда ўзини ўзи тўлдириб бораётганидан ва миллий қонунчилик механизми тизимли тарзда, эволюцион шаклда ривожланиб бораётганидан далолат беради. Буни экологияга доир қабул қилинган қонунлар тизимида ҳам яққол кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил август ойида бўлиб ўтган XV сессиясида Ўзбекистонда ва умуман минтақада табиий бойликлардан фойдаланиш ва уни тартибга солиш масалаларига бағишланган 3

та қонун қабул қилинди. Булар “Табиий монополиялар тўғрисида”<sup>26</sup> ги, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”<sup>27</sup> ги, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”<sup>28</sup> ги қонунлар тизимининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Ана шу ҳар уч қонунда кўтарилган масалалар бугун тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, табиий бойликларни монополиялаш, уни маълум бир халқ ёки давлат бойлигига айлантириш, эскирган лойиҳалар асосида қурилаётган иншоотларнинг техноген хусусиятлари, фавқулотда вазиятларни келтириб чиқараётганлиги ҳамда гидротехника иншоотлари ҳисобланган тўғонлар ва ГЭСларнинг қурилаётганлиги Ўзбекистон давлати бугунги минтақавий можароларнинг, конфликт ҳолатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини бундан 10 йил олдин пайқаганлигини кўсатади. Ўзбекистон давлати айна ана шу жиҳати билан минтақада ажралиб туради ва узоқни кўра олиш ижтимоий-сиёсий жараёнларни кузатиб, унинг истиқболини прогнозлаш имконияти борки, бу геосиёсий нуқтаи назардан Ўзбекистонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон давлатининг худди ана шундай ноёб қобилияти туфайли 2000 йили Олий Мажлиснинг II сессиясида “Экологик экспертиза тўғрисида”<sup>29</sup> ги қонун қабул қилди. Бу айна пайтда барча экологик жараёнларни, ҳолатларни етарли даражада халқаро меъёрлар ва тажрибалар асосида экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асоси сифтида ўзини намоён этмоқда. Хусусан, БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ўзининг 2010 йил Тожикистонга қилган ташрифи яқунларига бағишланган матбуот анжуманида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини мустақил экспертизадан ўтказиш зарурлиги ҳақидаги Ўзбекистоннинг талабларини қўллаб-қувватлади. Унинг фикрича, ушбу сув иншоотининг қурилишида сейсмология, гидрология ва лойиҳага доир бошқа масалалар бўйича мустақил ҳамда ҳолисона илмий ҳулоса зарур ва муҳимдир.

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил. № 9.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил. № 9.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил. № 9.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000 йил. № 5-6.

Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари Сергей Иванов ҳам шунга ўхшаш фикрни баён этди. Тошкентга қилган ташрифи давомида у Роғун ГЭСи қурилишига нисбатан Россия нуқтаи назарини билдирар экан, Марказий Осиёда йирик гидротехник иншоотларни қуриш лойиҳалари бўйича Россия томонининг Дмитрий Медведев 2009 йилнинг январь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида билдирган позицияси ўзгармаслигини тасдиқлади. Шунингдек, С. Иванов таъкидлаб ўтдики: “Бу ерда энг муҳими — барча дахлдор давлатлар фикрларини ва манфаатларини инобатга олишдир. Чунки сув ресурсларидан фойдаланиш ҳаммага тегишли. Бу масала бўйича Россиянинг нуқтаи назари ўзгармасдир”<sup>30</sup>.

Эксперт, профессор Ж. Барра “Экспресс-Киниси” (Греция) газетасида чоп этилган “Роғун ГЭСига экспертиза зарур” сарлавҳали мақоласида дунёдаги бирорта мамлакат қўшниларга зарар етказиб ҳаёт учун ўта зарур бўлган табиий захираларни ўзлаштиришга ҳаққи йўқлигини айтади. Мақоладан кўриниб турибдики, бу масаланинг инсоний муносабатлар билан боғлиқ жиҳатлари ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, Роғун ГЭСи қурилиши муносабати билан АҚШ миллий мудофаа университетининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази профессори Рожер Кангас ҳам ўзининг жиддий ташвишини билдирди. Хусусан, у ҳеч ким Тожикистоннинг электр қувватини ишлаб чиқариш ва сотиш учун мўлжалланган иншоотларни қуриш ҳуқуқига даъвогарлик қилмоқчи эмаслигини таъкидлар экан, “сиз трансчегаравий ҳудудларда ишларкансиз, бу масалалар ўзаро маслаҳатлашилган ҳолда ҳал этилиши лозим” дейди.<sup>31</sup>

Бироқ Тожикистон ўзини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида Роғун ГЭСини қуриши зарурлигини таъкидлаб келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича Роғун ГЭСи хавфли ҳудудда жойлашгани. Бу ҳақда, Ўзбекистон

---

<sup>30</sup> Қаранг. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 4 март

<sup>31</sup> “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил, 4 март.

кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи С. Қўчқоровга асосланиб, “Жаҳон” ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Агентликнинг Тожикистон Фанлар академияси (ФА) Геофизика хизматига асосланиб тарқатган хабарига кўра, 2012 йил 27-апрел куни Роғун ГЭСи қурилаётган ҳудудга яқин жойда магнитудаси 3,5га тенг бўлган зилзила содир бўлган. Зилзила маркази Роғун шаҳридан 17 километр узоқликда бўлган. Тожикистон фанлар академияси Сейсмология институти фахрий директори, академик Собит Неъматуллаевнинг сўзларига кўра, кейинги 10 йил давомида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмаларида юз бериши мумкин бўлган кучли зилзилаларга тайёр туриш керак.

“Экспертларнинг ҳулосасига кўра, - деб ёзади Қўчқоров - баландлиги 336 метрга тенг бўлган тўғон жойлашган ҳудудидаги кучли зилзилалар пойдеворнинг сурилиши ҳамда сув уюрмасининг катта босими сабаб (300 метрдан ортиқ), кескинликнинг сезиларли ошиб кетишига сабаб бўлади. Тўғон бу каби зўриқишларни кўтара олмайди ва бузилиб кетиши натижасида ҳақиқий тсунамини келтириб чиқариши тушунарли ҳолдир”. Қўчқоровнинг қўшимча қилишича, бу ҳолатда Вахш дарёси оқими бўйлаб қуйига томон ҳаракатланадиган тўлқинларнинг баландлиги 100 метрдан кам бўлмайди ва ўзининг вайронкорлиги билан Японияда содир бўлган тсунамидан кўра кўпроқ зарар етказади.

“Роғун ГЭСи тўғонининг ёрилиши бутун Ўрта Осиё учун, биринчи навбатда эса, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган ҳалокатларга сабаб бўлади”, - дейди Қўчқоров. Мутахассисларнинг прогнозларига кўра, воқеаларнинг бундай ривожига катта сув сиғими сониясига 130 метр ёки соатига 468 километр тезлик билан Нурек ГЭСи томон ҳаракатланади. Нурек ГЭСи тўғони тўлиқ вайрон бўлади ва Нурек шаҳрини баландлиги 280 метр, тезлиги сониясига 86 метрга тенг бўлган сув оқими босади. “Жаҳон” ахборот агентлиги хабарида ёзилишича, худди шу йўсинда Вахш дарёсидаги бошқа ГЭС ва гидроузеллар ҳам вайрон бўлади, Сарбон, қўрғонтепа ва Румий шаҳарлари

сув остида қолади. “Бу шаҳарлар тўлқинларнинг дастлабки зарбаларини ўзига қабул қилади, бироқ ўзининг вайронкор йўлида давом этган сув Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон ва Туркменистондаги бошқа ўнлаб шаҳар ва аҳоли яшаш пунктларини ҳам босади”, - дейди қўчқоров.

Бу масалада ўз вақтида тўғри ва адолатли хулоса чиқарилса, минглаб одамларнинг муносиб эртаси, хавф-хатардан холи ҳаёти таъминланган бўлади. Ушбу глобал муаммо ечими борасида ҳамма давлатлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши кераклиги, табиат ва инсониятга нисбатан масъулиятсиз муносабат туфайли юзага келаётган бундай муаммолар нафақат алоҳида бир минтақа учун, балки бутун ҳамжамият учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Албатта, ушбу ГЭСнинг қурилиши Тожикистон учун катта иқтисодий имконият. Бироқ бу имконият бошқа халқлар, бошқа мамлакатлар имкониятини чеклаш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда бу ўз-ўзидан муаммонинг чигаллашишига, минтақада конфликт ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Сайёрамизнинг, унинг ҳар бир қитъасининг, унда жойлашган ҳар бир мамлакатнинг ўз экологик муаммоси ва уни кескинлашиб бораётганини инкор этиб бўлмайди. Бу муаммолар табиий мувозанатни бузиш билан бир қаторда унга қарши чора - тадбирлар, жиддий ҳаракатлар қилишни ҳам талаб этмоқда.

Зеро она табиатни асраш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимимиз ва вазифамиздир! Инсоният пайдо бўлибдики, барчамиз шу она замин бағрида униб - ўсиб, яшаб вояга етмоқдамиз, биздан бор меҳрини аямай, бор бойлигини ином этаётган табиатни асраш, авайлаш, келажак авлод ҳақида қайғуриш ҳар биримизнинг олдимиздаги вазифадир.

## Хулоса

Ўзбек ва тожик муносабатлари узок тарихий тараққиётга эга. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида маданий, адабий, диний, жуғрофий, иқтисодий, сиёсий алоқалар йўлга қўйилганлиги бунинг исботи.

Икки кардош халқларнинг адабий ва маданий алоқаларининг раванг топишида ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган шоир ва ёзувчилар: Алишер Навоий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Дехлавий, Фуркат, Абдурахмон Жомий, Садриддин Айний каби буюк адабиётимиз намоёндаларини эслаш кифоя деб ўйлайман. Шулардан келиб чиққан ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, бу икки халқ руҳияти асрлар мобайнида бир-бирига туташиб, маънавий, диний ва ахлоқий муносабатлари уйғунлашиб кетган, яшаш тарзлари ва урф-одатлари муштарак бўлган халқлардир.

Бир ҳақиқат борки у бугун бутун инсониятни ташвишга солиб қўймоқда. Ана шу ҳақиқат шуки инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихий тараққиёти даврида экология борасида кўпдан-кўп ва хилма-хил муаммоларга учрамоқда. Бундай муаммолар ҳар бир даврнинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжи, одамлар дунёқараши, ақлий салоҳияти ва манфаатлар учун доирасида турлича ҳал этилган.

Ҳозирги замон давлатчилиги ва замонавий цивилизация нуқтаи назаридан ушбу абадий ва азалий, тобора кескин ва муҳим аҳамият касб этиб бораётган ушбу муаммо нисбатан инсонийлашув моҳиятини касб этмоқда. Турли мамлакатлар, халқлар тақдирини ва истиқболини ҳисобга олган ҳолда барқарор экологик муҳитни яратиш чоралари кўрилмоқда.

Бир неча минг йиллик тарихий ва маданий тараққиёт йўлини босиб ўтган, бир хил табиий муҳит ва ижтимоий ҳаёт таъсирида дунёқарашлари, анъаналари, турмуш-тарзлари ва ҳаёт ақидалари шаклланган халқлар ўртасида юзага келаётган бу каби ҳолатлар жиддий минтақавий муаммога айланиб улгургани масалани шу асосда кескинлаштирмоқда.

Тоҷикистон ўзини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида Роғун ГЭСини қуриши ёки алюмин ишлаб чиқариш учун алюмин заводини ишга тушириши бир- бирдан мураккаб вазиятларни юзага келишига олиб келмоқда. Жаҳон ҳамжамияти, хусусан, нуфузли халқаро ташкилотларнинг экспертлари, таниқли мутахассислар, олимлар, маданият ва жаоат арбоблари бу масалага жиддий қарашмоқда. Ўзларининг бу борадаги аниқ хулосаларини баён этишмоқда. Яни, бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг жанубий вилояти - Сурхондарёнинг қатор туманлари аҳолиси қўшни Тоҷикистондаги алюминий заводидан чиқаётган захарли газдан азият чекмоқда, атроф-муҳити зарар кўрмоқда. Аҳоли ўртасида бунинг оқибатида нафас йўллари, овқат ҳазм қилиш, қон ва қон айланиш органларида, оғиз бўшлиғида касалликлар кўпайгани мутахассислар томонидан қайд этилмоқда. Афсусланарли жихати эса болалар ўртасида туғма касалликларга чалиниш ошиб бораётганлигидир. Шу билан бир қаторда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам жуда катта зарар етмоқда. Сариосиё, Узун ва Денов боғларида етиштирилаётган меваларда инсон организми учун ўта зарарли захарли моддалар тобора кўпроқ учраши ачинарли ҳол. Буларнинг ҳаммаси бевосита ва билвосита Тоҷикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан боғлиқдир.

Роғун ГЭСи келтирадиган хавфлар эса нафақат минтақамизда балки, Тоҷикистон экологиясига ҳамда миллионлаб одамларга етказадиган таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лойиҳа бўйича 14 куб километр сифимга эга сув омборини тўлдириш учун 8 йил керак бўлади. Бу вақт ичида Амударё оқими кескин ўзгариб, унинг қуйи қисмидаги ҳудудларда узоқ йиллар қурғоқчилик юзага келади. Агар Тоҷикистон Роғун сув омборини тўла қувват билан ишга тушса сув омборидан катта миқдорда сув чиқарилиши оқибатида тошқинлар бўлиши, ботқоқланиш ва сув босиши юз минглаб гектар серҳосил ерларни яроқсиз ҳолга келтириш билан ўз навбатида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг миллионлаб аҳолисини оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бу ҳам етмагандек тақчиллиг ва қурғоқчилик натижасида Амударё суви

Оролбўйи худудларига деярли етиб бормаиди, бу эса глобал миқёсдаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий фалокатнинг янада кенгайишига сабаб бўлади.

Мазкур тадқиқот ишида биз ушбу муаммонинг ўрганишга ва тегишли хулосалар чиқаришга ҳаркат қилдик. Биринчидан, икки мамлакат ўртасидаги барқарорликни асосий геосиёсий сабаблардан бири бўлган экологик ҳолат кескинлаштиради. Иккинчидан, иқтисодий хавсизлик нуқтаи назаридан Тожикистон Роғун ГЭСи қурилиши минтақада яшаётган қарийб миллион аҳолининг турмуш даражасининг кескин пасайишига, дарёлар қуйи қисмида жойлашган давлатларнинг иқтисодий тараққиётига жиддий путур етказди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши издан чиқади. Учинчидан, минтақа аҳолисининг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юзага келади. Жумладан, жисмоний ва маънавий зарар кўриши билан бир қаторда соғлиқни сақлаш борасида ҳам қатор муаммолар юзага келади.

Роғун ГЭСи ҳавфли зонада жойлашганлиги 13 майга ўтар кечаси бўлган 6 балллик zilзила мисолида кўриш мумкин. Маскур ҳолат шу йил бошидан буён Тожикистонда 3 магнитурадан ортиқ равишта рўй берган ўнинчи zilзиладир. Мамлакатда 3 дан то 4,5 магнитурегача бўлган кейинги ер силкинишлари 17, 22, 23, 24 апрел кунлари содир бўлган эди. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўр-кўрона иш тутиш бутун минтақада экологик мувозанат ҳозиргидан ҳам оғирроқ аҳволга тушишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида эса халқлар, миллатлар ўртасида кескин норозилик кучайиб, миллатлараро можароларга олиб келиши мумкин.

Ушбу муаммоларни олдини олиш бугунги куннинг долзарб муаммоси. Бу каби хавф-хатарлар мудом инсониятни оғоҳликка чорлаб келмоқда. Уларнинг олдини олишнинг ягона йўли эса илм-фан далилларига ишониш ва теран мушоҳада билан хулоса чиқариш холос.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон XXIаср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон» 1993
- 4.Каримов.И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.- Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. И.Каримовнинг БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент - 2010
- 6.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 7.Каримов И.А. Туркистон умумий уйимиз. Ўзбекистон - 1995.
- 8.Нарзулла Жўраев, Турсунбой Файзуллаев. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент 2009.
- 9.Ўзбекистон миллий энциклапедияси
- 10.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил. № 9.
- 11.Абдурушид А. Роғун ГЭСи — ўрта Осиё учун қазилаётган ҳалокатли чоҳ. “Жамият” газетаси. 2011 йил 15 апрел. №15 (236)
- 12.“Баёлотлар билан амалий ишлар бир-бирига зид келганда”. “Жамият” газетаси. 2011 йил 4 ноябрь № 41 сони

13.Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни.

15.“Ақл-идрок ва мантиққа зид хатти- ҳаракатлар”. “Жамият” газетаси . 2011 йил 14 октябр

16.Рустам Абдуллаев “Роғун ГЭСи атрофидаги фирибгарликлар. Қурилиш учун сарфланаётган ҳақиқий молиявий манбалар ошкор бўлмоқда” Жамият“ газетаси. 2011 йил 26 август

17, Саидрасул Сангинов “Аниқ далилларга таяниб иш кўрган афзал”. “Жамият” газетаси. 2011 йил 29 июль. № 29.

Ж. Мирзааҳмедова. Табиатга завола. “Миллий тикланиш” газетаси. 2010 йил, 3 март.

18. Ражабов О. “Марказий Осиё минтақасидаги гигант ГЭСлар лойиҳалари миллионлаб одамлар хавфсизлигига таҳдид солади”, “Тошкент ҳақиқати”. 2010 йил, 6 март.

19.Идиев М. “Роғун ГЭСи қайси маблағга қуриляпти?”, “Тошкент Ҳақиқати”. 2010 йил, 6 февраль.

20.“Қирғизистонда 1-Қамбарота ГЭСи қурилишига доир муаммолар хусусида”, “Халқ сўзи”. 2010 йил 24 март.

21.Исанов Х. “Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш. Минтақа халқлари манфаатлари устувор бўлсин” “Миллий тикланиш”. 2010 йил, 17 март.

22. “Роғун ГЭСи қурилиши бўйича халқаро мустақил экспертиза ўтказилиши зарур”, “Инсон в қонун”. 2010 йил 2 март.
23. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни.
24. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар. «Академия» нашриёти. Т., 2005й
25. Д.Муитов ҳудудий яхлитлик муаммоси: геосиёсий таҳлиллар тажрибаси кандидатлик ишига ёзган диссертацияси. Т., 2003

#### Интернет сайтлар

1. [www.bbc.co.uk/uzbek/topics](http://www.bbc.co.uk/uzbek/topics)
2. [www.kun.uz](http://www.kun.uz)
3. [www.jamiyat.uz](http://www.jamiyat.uz)
4. [www.google.uz](http://www.google.uz)
5. [www.uznews.uz](http://www.uznews.uz)
6. [ziyonet.uz](http://ziyonet.uz)